



*Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!*

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Муҳайё
қилди элга
вояга воя
Наврўз.
ОҒАҲИЙ.

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 20-mart, shanba, 33-34 (23.469-23.470)-son

Ечимини кутаётган масалалар кўп

19 март куни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг йигирма олтинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессия ишини вилоят ҳокими, Кенгаш раиси Э.Турдимов олиб борди.

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАР "МАҲАЛЛАБАЙ" ҲАЛ ҚИЛИНАДИ

Сессияда дастлаб вилоят ҳоқимининг биринчи ўринбосари Ж.Уроқовнинг "маҳаллабай" ишлаш тизими бўйича шаҳар ва туманлар ҳоқимларининг биринчи ўринбосарлари раҳбарлигидаги "Мувофиқлаштирувчи гуруҳлар", "Бошқарув офислари" ва маҳаллаларга бириктирилган доимий вакиллар таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги тақдироти муҳокама этилди.

Қайд этилишича, мазкур тизим орқали халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туманлар кенгашлари учун ҳар бир маҳалланинг ривожлантириш истиқболлари бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот олиш имконияти яратилади.

Ҳар бир маҳаллада "Темир дафтар"даги оилалар, "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган фуқаролар турмуш шароити, бандлиги ва бошқа ижтимоий аҳоли юзасидан чораклик ҳисобот бериб борилади.

Янги тизим бўйича вилоятимиздаги 1100 маҳалланинг ҳар бирига тижорат банкларининг 774 нафар ҳодими "доимий вакил" сифатида бириктирилган. "Доимий вакил" - маҳалла раиси ва ходимлари билан биргаликда уйма-уй юриш орқали аҳолининг даромад манбаларини ўрганади, ишсиз аҳолининг хоҳиш-истакларини (касб-хунарга ўқиш, ишга жойлашиш, тадбиркорлик қилиш ва бошқаларни) аниқлайди ҳамда маҳаллани ривожлантириш бўйича "Ўсиш нуқталари"ни белгилайди.

Шаҳар ва туманлардаги 64 та секторда иқтисодий комплекс таркибидagi ташкилотларнинг малакали раҳбарларидан иборат "Бошқарув офиси" тuzилган.

"Бошқарув офиси" доимий вакил тақдим этган тақдирот асосида ҳар бир маҳаллани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича "Йўл хариталари"ни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш учун "Мувофиқлаштирувчи гуруҳ"га тақдим этади.

Шаҳар ва туманлар ҳоқимларининг молия-иқтисодий ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари бошчилигида иқтисодий комплекс ташкилотлари раҳбарларидан иборат "Мувофиқлаштирувчи гуруҳ" ҳар-бир маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурини тасдиқлайди. Дастурни маҳаллий Кенгашга олиб чиқади ва ижроси юзасидан ҳар чоракда ҳисобот беради.

СЕКТОРЛАРДА НИМА ГАП?

Сессия ишида вилоят прокурори, 2-сектор раҳбари Р.Машарипов жорий йилнинг биринчи чорагида ҳудудда амалга оширилган ишлар ҳақида ҳисобот берди.

Прокурорлар раҳбарлигидаги 2-секторларда 291 та маҳалла бўлиб, уларда 230 мингдан зиёд оилаларда 1 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Депутатлар билан биргаликда қилинган сўровлар натижасида 12 минг 927 эҳтиёжманд оилада яшовчи 58 минг 259 нафар фуқаро "Темир дафтар"га киритилган. Шу пайтгача вақтинча ишсиз 15 минг 763 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланган.

"Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган меҳнатга лаёқатли ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, ўзини-ўзи банд қилиш мақсадида 996,9 миллион сўмлик 416 та асбоб-ускуна тарқатилган.

Шу каби чора-тадбирлар натижасида 2-секторда бугунги кунгача 9 минг 954 та оила камбағалликдан чиқарилган.

Сессияда сектордаги ҳудудларда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож, камбағал аҳолини қўллаб-қувватлаш, уларни бу тоифадан чиқариш мақсадида ишлаб чиқилган "Йўл харита" тасдиқланди.

Депутатлар вилоят 4-сектор раҳбари, вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи А.Иноғомовнинг ҳудудда амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳисоботини тинглаб, тақдим қилган "Йўл харита"сини тасдиқладилар.

КАДАСТР ПАЛАТАСИ ҚАЙТА ҲИСОБОТ БERAДИ

Сессия кун тартибига кўра, давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлиги давлат кадастрлари палатасининг вилоят бошқармаси бошлиғи Ш.Рўзиқуловнинг давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 24 февралдаги "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан ҳисоботи тингланди.

Ш.Рўзиқулов мазкур қарор ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар, янги тузилманинг вазифа ва ваколатлари ҳақида маълумот берди. Ушбу йўналишда Ургут туманининг Вағашти ва Камонгарон маҳалласи ҳудудда жойлашган кўчмас мулк объектлари ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларида амалга оширилган хатлов натижаларига тўхтади. Шунингдек, мазкур масала юзасидан вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Ф.Аҳмеджонов ҳамда давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Ф.Худойқуловдан ҳам изоҳ сўралди.

Аммо ҳисобот пухта тайёрланмагани сабабли депутатлар ушбу масалани кейинги сессияларда қайта муҳокама қилишга қарор қилди.

ЭКОЛОГИЯГА МУНОСАБАТ ЎЗГАРИШИ ШАРТ

Депутатлар вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Д.Очиловнинг бошқарма томонидан 2020 йилда амалга оширилган ишлар юзасидан берган ҳисоботидан сўнг шундай хулосага келдилар.

Бошқарма бошлиғининг қайд этишича, вилоятда атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ташловчи 45 та йирик ва 1047 та микрофирма ва кичик корхоналар фаолият кўрсатади. Уларнинг 11793 та ташкиллаштирилган манбаларидан 525 таси соатига 11859,9 минг метр куб газни тuzалаш қувватига эга чанг-газ тўтиш ускуналари билан жиҳозланган. Амалга оширилган таҳлиллар натижасида сўнгги 3 йилда вилоятда экологик аҳволнинг 2019 йилга нисбатан ўзгариши ва вилоят ҳудудда авария ҳолатида бирваракайга ёки авария тўғрисида чиқиндилар чиқиши кузатилмаган.

Тизим ходимлари томонидан вилоят ҳудудда 279 та ноқонуний чиқиндиҳоналар аниқланиб, 561 тонна қаттиқ маиший чиқиндилар тегишли ташкилотларнинг махсус техникалари ёрдамида олиб чиқилиб, чиқинди полигонларига жойлаштирилган.

Маиший чиқиндиларни бошқаришни модернизация қилиш" лойиҳасини амалга ошириш доирасида 8,760 миллион евро (10,610 миллион доллар) сарфланиб, 2019 йилда 80 та чиқинди ташиш техникалари олиб келинган ва сертифициациядан ўтказилиб, фойдаланишга топширилган.

Бошқарма бошлиғи эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар, тегишли бошқарув органлари ҳамда вакиллик органи билан ҳамкорликда ҳал этиладиган масалаларга ҳам тўхталиб ўтди.

Сессия ишида шунингдек, вилоят автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси бошлиғи Қ.Ҳасанов ва "Самарқанд сув таъминоти" масъулияти чекланган жамияти директори К.Юсуповнинг ҳисоботлари асосида тайёрланган "Самарқанд вилоятининг шаҳар ва туманлари ҳудудларида ичимлик суви ва оқова сув тармоқлари, ички хўжалик йўллари ва улардаги қўприкларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларининг манзилли рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги, вилоят сектор раҳбарларининг "Вилоятни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш тарзи ва ижтимоий муҳофазасини яхшилаш бўйича ишларни ташкил этиш юзасидан ишлаб чиқилган "Йўл харита"ларини тасдиқлаш ҳақидаги ва Кенгаш ваколатига кирувчи бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Сессияда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.



ЙИЛНИНГ БАРАКАСИ НАВРЎЗИДАН

2020 йил март ойида мамлакатимизга коронавирус инфекцияси кириб келиши оқибатида Наврўз байрами кенг нишонланмаганди. Бу йилги кутлуғ айём арафасигача касаллик бироз чекиниб, карантин талаблари юмшатилади. Аммо инфекция юртимизни бутунлай тарқ этмади. Халқимизда Наврўзни, янги йилни яхши кайфиятда қарши олсанг, йил давомида кўтаринкилик ҳамроҳинг бўлади, деган гап бор. Шунинг учун ҳам бу йил республика махсус комиссиясининг қарори билан карантин талабларига риоя қилган ҳолда байрам сайллари ўтказиш белгиланди.

САЙЛЛАР КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТДА ЎТДИ

Самарқандликлар узоқ орзиқиб кутилган байрамни ўзгача кўтаринкилик билан нишонлади. Вилоятнинг асосий байрам сайли кўхна кентнинг Алишер Навоий номидаги марказий истироҳат боғида ташкил этилди.

Байрамона безатилган боғнинг бир тарафида миллийлигимизни акс эттирган ўйинлар, лапарлар намойиши, бир томонда баҳорий таомлар кўргазмаси, яна бир тарафда эса спорт мусобақалари, дор ўйинлари уюштирилди. Сўрларда қайвонилар пахта саваб, урчуқ йиғириши. Йилимиз кут-баракали келишини, халқимиз саломат бўлишини сўраб дуолар қилишди.

Байрам сайлида вилоят ҳоқими Эркинжон Турдимов иштирок этди ва аҳолини байрам билан кўтлади.

Тинч ва осойишта юртга байрамлар ярашади, - дейди вилоят перинатал маркази директори Лола Ҳамроева. - Биз тиббиёт ходимлари, албатта, ҳамма соғ-омон бўлиши, ўтган йилги тушкун кайфият халқимизни бутунлай тарқ этиши тарафдоримиз. Бугунги сайл ўтаётган марказий истироҳат боғининг асосий дарвозасидан кириш қисмида соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан рамзий саломатлик йўлакчаси ўрнатилган. Бунда ҳам ўзига хос маъно бор. Буларнинг барчаси сайлга келаётган ҳар бир инсонга соғлиқнинг қадрига етишини эслатиб туради.

Шу куни вилоят мусикали драма театри майдонида, Қорасув массивида, Фарҳод ҳамда Кимёгарлар шаҳарчаларида ҳам байрам тадбирлари ташкил этилди.



ШАҲАРНИНГ ИШТАҲОЧАР КЎЧАСИДА СУМАЛАК САЙЛИ

Сумалак сайли шаҳарнинг гастрономик - Орзу Маҳмудов кўчасида ўзгача шукҳда ўтказилди. Ҳар бир овқатланмиш шохобчасининг байрамона безатилган, ўзига хос мунакаб билан меҳмонларни жалб этгани кўчада ўтказилаётган сумалак сайлига безак бўлди.

Вилоят ҳоқимлиги, туризмни ривожлантириш департаменти, "Ипак йўли" халқаро туризм университети ҳамкорлигида ташкил этилган сайлда сумалак сайли билан бирга аҳоли-

га миллий ва бошқа халқлар таомлари тарқатилиб, тайёрлаш жараёнлари кўрсатилди. Концерт дастури, расомлар асарлари, кураш тушаётган спортчилар, спорт ўйинлари сайлга келганларда катта таасурот қолдирди.

Сайлда спортчиларимиз ютуқлари ва уларнинг кўргазмалли чиқишлари билан иштирок этапмиз, - дейди Самарқанд олимпия захиралари коллежи ёшлар етакчиси Равшан Тошпўлатов. - Наврўз арафасида самбочи йигитларимиз Осиё чемпионлигига эришгани байрамга соғла бўлди.

Шунингдек, айём кунлари Самарқандда ҳалол сифат сертификатига эга яна бир овқатланиш муассасаси ишга тушди. Ушбу тамаддиҳонада меҳмонларга ҳалол стандарти асосида таомлар тайёрлаб бериш билан бирга ибодат қилишлари учун шароит яратилган. Туризмни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган мазкур тамаддиҳона Самарқанддаги шундай ресторанлардан бешинчисидир.

"МАҲКАМ БЎЛИНГ, ПОЛВОН, МАҲКАМ БЎЛИНГ!"

Байрам муносабати билан Жомбой туманидаги Қоракасмоқ отчопарида улоқ-кўпқари халқаро мусобақаси бўлиб ўтди.

Унда юртимизнинг турли ҳудудларидан, шунингдек, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон давлатларидан чавандозлар иштирок этди.

Мусобақада қаққон, эпчил чавандоз ва полвонлар асосий соврин - туя, той, тана, гилам ва пул мукофотларини қўлга киритди.

Вилоят ҳоқимлиги томонидан қўйилган бош соврин - "Cobalt" автомобили пайариқлик полвон Ихтиёр Толиповга насиб этди.



Авалги мусобақалардан бирида хато қилиб, ўйиндан четлаштирилган эдим, - дейди Ихтиёр полвон. - Бироз танафусдан сўнг, ҳакамлар менга ушбу мусобақада иштирок этишга рухсат берди. Мусобақа аввалида киришиб кетиш қийин бўлди. Кейинчалик, мухлисларимнинг қўллаб-қувватлаши, менга куч берди. Узоқ давом этган 23-марра - бош соврин учун кураш авжига чиққан пайтда отга қамчи уриб, тўдага кириб бордим ва насиб этган экан улоқни олдим. Кўпқари бошловчисининг "маҳкам бўлинг, полвон, маҳкам бўлинг!" деган сўзларига амал қилган ҳолда маҳкам ушлаган солимини маррага етказишни удалладим. Бу ютуққа Тошкент вилоятида яшовчи чавандоз Сарвар Умрзоқовнинг Бодом лақабли отида эришим.

Лойиш шаҳарчасидаги истироҳат боғида ўтказилган байрам сайли ҳам ўзига хос бўлди. Оқдарё туманидаги корхона ва ташкилотлар, таълим муассасалари вакиллари томонидан дошқозонларда сумалак, ҳалим ва бошқа миллий таомлар тайёрланди.

Каттақўрғон шаҳрида Наврўз байрами муносабати билан дастурхон ёзилиб, саховат тадбири ўтказилди. Унда мазкур шаҳар ва Нарпай, Пахтачи, Иштихон, Қўшрабат, Нуробод, Паст Дарғом ҳамда Каттақўрғон туманларида "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари" рўйхатига киритилган фуқаролар иштирок этди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Янги кунга янги бинолар

Кутлуг байрамлар арафасида янги биноларни фойдаланишга топшириш аънаанага айланган.

Жумладан, Самарқанд шаҳридаги "Дўстлик ва нодавлат нотижорат ташкилотлари уйи" фойдаланишга топширилди.

Мазкур бинода вилоятимизда фаолият юритаётган 11 та миллий маданий марказ ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари фаолият юритишига барча шароит яратилган.

Бинода 58 та хона, музей ҳамда турли миллат ва элат вакилларининг миллий тадбирларини ташкил этиш учун зал мавжуд.

Ўзбек ва озарбайжон миллати вакиллари ҳар жиҳатдан бир-бирига яқин, - дейди вилоят озарбайжон миллий маданий маркази раҳбари Одил Мирзаев. - Озарбайжонлар ҳам Наврўз байрамини кенг нишонлайди.

ЙИЛНИНГ БАРАКАСИ НАВРЎЗИДАН



нинг 21-санасигача бўлган тўрт чоршанба кунини байрам қилинади.

Ўзбек ва озарбайжон миллати вакиллари ҳар жиҳатдан бир-бирига яқин, - дейди вилоят озарбайжон миллий маданий маркази раҳбари Одил Мирзаев.

Мазкур таълим муассасаси Инвестиция дастури асосида "Agromir Buildings" масъулияти чекланган жамияти томонидан 31

миллиард сўм маблағ эвазига қурилди. Мактабда ўқувчиларнинг таълим олиши учун барча шароитлар яратилган.

Шунингдек, Самарқанд шаҳридаги 71-умумий ўрта таълим мактабининг янги биноси ҳам фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда бино қурилиши учун 7 миллиард сўмга яқин маблағ сарфлангани, бу маблағнинг ярми мактабнинг солиқ битирувчилари, саховатли инсонлар, тадбиркорларнинг ҳомилиги ҳисобидан экани айтилди.

Сартепа массивида эса Мирзо Улугбек номидаги математика ва физика фанига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати фойдаланишга топширилди.

10-сон меҳрибонлик уйининг қайта таъмирланиб, жиҳозланган биносида фаолият бошлади.

Маблағ эвазига қурилди. Мактабда ўқувчиларнинг таълим олиши учун барча шароитлар яратилган.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда бино қурилиши учун 7 миллиард сўмга яқин маблағ сарфлангани,

бу маблағнинг ярми мактабнинг солиқ битирувчилари, саховатли инсонлар, тадбиркорларнинг ҳомилиги ҳисобидан экани айтилди.

Сартепа массивида эса Мирзо Улугбек номидаги математика ва физика фанига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати фойдаланишга топширилди.

Мазкур таълим муассасаси солиқ битирувчилари, саховатли инсонлар, тадбиркорларнинг ҳомилиги ҳисобидан экани айтилди.

10-сон меҳрибонлик уйининг қайта таъмирланиб, жиҳозланган биносида фаолият бошлади.

Маблағ эвазига қурилди. Мактабда ўқувчиларнинг таълим олиши учун барча шароитлар яратилган.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда бино қурилиши учун 7 миллиард сўмга яқин маблағ сарфлангани,

бу маблағнинг ярми мактабнинг солиқ битирувчилари, саховатли инсонлар, тадбиркорларнинг ҳомилиги ҳисобидан экани айтилди.

Сартепа массивида эса Мирзо Улугбек номидаги математика ва физика фанига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати фойдаланишга топширилди.

Мазкур таълим муассасаси солиқ битирувчилари, саховатли инсонлар, тадбиркорларнинг ҳомилиги ҳисобидан экани айтилди.



Мустақиллик йиллари Самарқандда

1999 йил, март

16 март кунини Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ҳамроҳлигида Самарқанд ва туркиялик ишбилармонлар ҳамкорлигида ишга туширилган "Сам Кочавто" корхонасининг очилиш маросимида қатнашди.

Самарқандда менежментни ўқитиш халқаро маркази фаолият бошлади.

21 март кунини Наврўз байрами муносабати билан вилоятда 2000 ўқувчи ўрнига эга олтита мактаб биноси, 650 ўринли бешта қишлоқ даволаш пункти очилди. Шунингдек, 7650 квадрат метр уй-жой, 54 километр газ қувури, 9 километр сув ўтказгич, 6 километр электр энергияси тармоғи, 23 та маънавий хизмат кўрсатиш шохобчаси, 400 ўринли умумий овқатланиш маскани ва тўртта дала шийони фойдаланишга топширилди.

апрель

Вилоятда 35 минг гектар майдонда плёнка остига чигит экилди.

5 апрель кунини Париж халқаро арбитраж судининг раиси Роберт Бринер бошчилигидаги ҳуқуқшунослар Самарқандда бўлди.

Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Миллий кураш федерациясининг вилоят ҳудудий федерацияси ташкил этилди.

Вилоятда 40 дан зиёд турли мулкчилик шаклидаги корхоналар, тўрт юлдузли 500 ўринли "Афросиёб", уч юлдузли 366 ўринли "Самарқанд" ва бошқа меҳмонхоналар сайёҳларга хизмат кўрсатмоқда.

Вилоятда мавжуд 129 минг 623 бош совпақдан 135 минг 643 бош қўзи олинди. Бу ҳар юз бош совпақ ҳисобига 104 тадан тўғри келади.

май

9 май кунини Болгария Республикаси Президенти Петар Стоянов Ислам Каримов ҳамроҳлигида Самарқандга келди.

Оқдарё туманидаги Лойиҳа деҳқон бозори қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

21 май кунини Республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг биринчи ўринбосари Рустам Холмуродов вазиридан овоз қилиниб, Самарқанд давлат университети ректори этиб тайинланди.

Самарқанд шаҳрида 25-27 май кунлари Бибиҳоним масжиди қурилганлиги 600 йил тўлиши муносабати билан "Барҳаёт Бибиҳоним" мавзусида халқаро илмий анжуман ўтказилди.

Эртамиз эгалари тақдирига прокуратура бефарқ эмас

Вилоятда ижтимоий етимликнинг олдини олиш, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, васийлик ва ҳомийлик белгиланган, оилаларга патронат (тарбиялаш)га жойлаштирилган 3150 нафар вояга етмаганларнинг соғлиғи, таъминоти, таълим олиши, ота-онасига тегишли мол-мулклар тақдири ҳамда улар яшаётган оилаларнинг ижтимоий ҳолати ўрганиб чиқилди.

Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, бироқ тегишли тартибда васий-ҳомий бириктирилмаган ёки бошқача тарзда жойлаштирилмаган болалар ҳар бир маҳалла ва таълим муассасалари кесимида ўрганилди. Мазкур тоифадаги 1352 нафар болалар аниқланиб, уларнинг 526 нафарига васий ва ҳомийлар бириктирилиб, 6 нафари патронат оилаларга топширилди, 11 нафари Меҳрибонлик уйи ва SOS болалар маҳалласи вилоят бўлимига жойлаштирилди.

Ўрганишлар давомида ушбу тоифадаги 1561 нафар болалар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, турли касаллик аниқланган 55 нафар бола вилоят ва туман шифохоналарида бепул даволанди.

Вилоятда туғилганлик ҳақидаги гувоҳномадари бўлмаган болалар рўйхати шакллантирилиб, уларнинг

170 нафарига туғилганлик гувоҳномалари расмийлаштирилган.


Шунингдек, 262 нафар боланинг ота-онасига тегишли мол-мулкларга таъқиқ қўйилиб, 45 нафар болага боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланган. 9 нафар боланинг манфаатларини кўзлаб, судларга ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида давло ариза киритилган.

Бундан ташқари, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга васий-ҳомий бириктириш ёки бошқача тарзда жойлаштириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этишга қаратилган 156 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган. Қонунбузилишига йўл қўйган 243 нафар масъул шахслар интими ва маъмурий жавобгарликка тортилиб, қонунбузилиш ҳолатлари бартараф этилган.

Яқинда ижтимоий тармоқларда Ёбдин тоғининг Булунғур тумани ҳудудидаги Етимсой дарасида қоятош суратлари топилгани ҳақида хабарлар тарқалган. Тумандаги 19-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларидан бири тоғдаги тошларда ҳайвонлар, ов манзаралари тасвирини кўриб, бу ҳақда ўқитувчи тоғасига айтади. Кейин муаллимнинг ўзи ушбу манзилга боради.



Булунғурда топилган Етимсой қоятош суратлари давлат муҳофазасига олинди



Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва уларни келажак авлодга етказиш асосий мақсад ҳамда вазифаларидан бири ҳисобланган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси тезда ушбу масалага эътибор қаратди. Партиянинг вилоят кенгаши вилоят маданий мерос бошқармаси мутахассислари, тарихчи ва археолог олимлар билан бирга мазкур ҳудудни бориб ўрганиб, тошлардаги суратлар ва уларнинг тарихи билан қизиқди. Самарқанд давлат университети ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Миллий археология маркази Самарқанд археология

институту олимлари дарадаги қоятошларда акс этган тасвирлар милоддан аввалги 2000 йилларга, бронза даврининг охирига қадар тақалиниши қайд этилди. Бу ерда асосий машғулоти овчилик ва чорвачилик бўлган аجدодларимиз яшаган бўлиши мумкин, деган хулосага келинди. - Ҳудудда булоқ мавжудлиги, қурол ясаш учун учқур тошларнинг кўпчилиги ва чорвачилик, овчилик билан шуғулланишга имконият кенглиги шундай хулоса қилишга асос бўлди, - дейди "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши раиси А.Ахтамов.

Ғ.ҲАСАНОВ.

ТЕНГДОШЛАРИ БИЛАН ТЕНГ БЎЛАДИ

Табият қонунига кўра, ҳамма бола ҳам бир хил жисмоний ва психик имкониятга бўлавермайди. Аммо улар таълим олиш ва бошқа ҳуқуқларда тенг. Қонунларимизда белгиланган бу тамойил ижроси вилоят прокуратураси томонидан доимий назоратга олинган. Хусусан, жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонли бўлган ҳамда узоқ вақт даволатишга муҳтожлиги сабабли уйда яқка тартибда таълим олаётган болаларнинг соғлиғи, таълим олиши ва улар тарбияланаётган оилаларнинг ижтимоий ҳолати ўрганиб борилди.

Ўтган йили бу жараён икки боқичда олиб борилди. Биринчи боқичда 1668 нафар уйда яқка тартибда таълим олаётган болаларнинг хонадонлари ишчи гуруҳлар томонидан бирма-бир ўрганилди. Бунда болаларнинг таълим олиши, яшаш шароитлари, муаммолари ва эҳтиёжлари ўрганилиб, тиббий кўриқдан ўтказилди.

Шу асосда 330 нафарининг тиббий зимматлар, 233 нафарига таълим олиши, 93 нафарига ижтимоий тизим бўйича муаммолар мавжудлиги аниқланди. Уларни ҳал этиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Уйда яқка тартибда таълим олаётган 111 нафар болага бадиий адабиёт ва дарсликлар, 54 нафарига ўқув қуроллари, 44 нафарига ўқув доскаси, парта ва стул, 23 нафарининг ўқитувчисига компьютер (ноутбук) етказилди.

Шунингдек, 2 нафар болага логопед-ўқитувчи бириктирилиб, 31 та оиллага ижтимоий нафақа тайинланди. 27 та оиллага моддий ёрдам кўрсатилиши, 12 нафар ота-она ишга жойлаштирилиши таъминланди.

Даволанишга муҳтож бўлган болаларнинг 121 нафари вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, реабилитация маркази ва туман тиббиёт бирлашмалари ҳамда "Biopug" хусусий клиникасида бепул муолажа олди.

ПРОКУРОРЛАР МАКТАБГА ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМЧИ

Вилоят прокуратураси орگانлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та муҳим ташаббусини амалга ошириш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, мактабларга 700 дан ортик спорт анжумани ва жиҳозлари, 198 та мусиқа асбоблари, 6000 мингдан ортик бадиий адабиётлар олиб берилди, 11 та мактаб интернет тармоғига уланди, 7 та мактабнинг спорт зали таъмирланди, 6 та мактабда кутубхона ташкил этилди.

Шу билан бирга, вилоят прокуратураси бириктирилган Қўшработ, Иштихон ва Пайариқ туманларидаги умумий ўрта таълим мактабларида масофавий таълим олаётган 300 нафар камбағал оила фарзандларига, хусусан, ногиронлиги бўлган 20 нафар уйда яқка тартибда таълим олаётган ўқувчиларга интернетдан бепул фойдаланиш имконияти яратиб берилди.

Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси.

24 март – Бутунжаҳон силга қарши кураш кунини

Сил касаллиги кўп тарқалаётгани дунё халқларини жиддий ташвишга солимоқда. Ҳар йили дунёда 9 миллионга яқин киши ушбу хасталик билан касалланиб, улардан 2 миллион бу оламни тарк этмоқда. Шундан бир миллион нафарини аёллар ташкил қилади.

Беморларнинг 80-85 фоизи қишлоқ аҳолиси

Сил касаллиги кўпинча, шамоллаш, грип, ошқозон-ичак касалликлари ниқобида ўтади. Аксарият беморлар унинг ёпиқ шакли билан оғрийди. Очiq шакли эса беморнинг яқинлари учун ҳам хатарли ҳисобланади. Вилоятимизда силга чалинган беморларнинг 80-85 фоизи қишлоқ аҳолиси ҳисобига тўғри келади. Агар хасталик ўз вақтида аниқланса, унинг олдини олиш мумкин. Бунинг учун флюорография яқинлави тавсия этилади. Аҳоли ора-ида рентген нурулари одам организмга ёмон таъсир қилади, деган тушунча мавжуд. Аслида бир марта ушбу аппаратга тушиш учун 0,25 сония нурланиш вақти сарфланади. Бу шунчалик кам микродоз, зарурат туғилганда 2-3 марта кўриқдан ўтганда ҳам зиён қилмайди. Марказимизнинг замо-

навий флюороавтоматини ёрдамида шаҳар ва туманларда ташкил этилаётган тиббий кўриқлар аҳоли ўртасида ўпка, юрак қон-томир ҳамда онкологик хасталикларни эрта аниқлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Барча шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмаларида фаолият кўрсатаётган рақамли флюорография ускуналари ёрдамида аҳоли бир йилда бир марта кўриқдан ўтказилмоқда. Ўпканинг сурналари хасталигига, рухий, ОМТС, қандли диабет, ошқозон-ичак касалликларига ўчраганда, гиёҳвандлик ва ичкиликка ружу қўйганлар бир йилда икки марта кўриқдан ўтса, сил касаллигини эрта аниқлаш имкони бўлади. Нурмухаммад КАМОЛОВ, Шариф ПАРДАЕВ, вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази фтизиатрлари.

Ёшлар сони ошгани боис янги йўналишлар очилади

Каттақўрғон туман ўқув спорт техника клуби фаолияти яқинда ўтказилган республика йиғилишида вилоятда намуна эканлиги эътироф этилди.

Шунингдек, ўқув спорт техника клубимиз томонидан тумандаги мактаблар, мактабга таълим муассасалари, касб-хунар мактаблари, маҳалла ва ташкилотларда ўтказиётган маънавий-маърифий тадбирларимиз ғояси оммалаштириш кераклиги таъкидлангани бизни қувонтирди.



Ҳозирда оммавий касб ходимларини тайёрлаш бўйича ўқув спорт техника клубимизда 10 та турли тоифа бўйича ўқув гуруҳлари шакллантирилган бўлиб, 250 нафар ёшлар камраб олинган. Жумладан, "Ёшлар дафтари"га киритилган йигит-қизлар ўқитилмоқда. Таълим жараёнлари замонавий технологиялардан фойдаланиш ҳолида олиб борилмоқда. Шунингдек, ўқувчиларга таълим жараёнида фойдаланиш учун замонавий шаҳарча макети тайёрланган бўлиб, бу дарсларнинг янада самарали бўлишини таъминлайди. Ёшлар сони ошаётгани ва уларнинг қизиқишидан келиб чиқиб, жорий йилда янги йўналишлар очиш

ҳаракатидамиз. Жумладан, трактор машинист хайдовчиларини тайёрлаш курсларини очмоқчимиз. Бундан ташқари, ўқ отиш спортини ҳам йўлга қўйиш мақсадида «ТИР» биносининг қурилиши бошланган. Клубимиз авиамодель ва автокартинг спорт йўналиши бўйича вилоят, республика мусобақаларида биринчилики эгаллаб келмоқда. Ҳозирда туманимизнинг Муллақўрпа қишлоғидаги махсус майдонда автокартинг бўйича мусобақа ва машғулотлар олиб борилмоқда. Рўзимов Жўраев, «Ватанпарвар» ташкилоти Каттақўрғон туман ўқув спорт техника клуби бошлиғи.

22 март – Мирзо Улуғбек таваллуд топган кун

Олимларимиз математика барча фанларнинг асоси эканлиги, шунинг учун ёш авлодга риёзиёт илмини кўпроқ ва чуқурроқ ўргатиш кераклигини кўп таъкидлаган. Бу бежиз эмас албатта. Биз эса олимларимиз хулосаларини тўла маъқуллаган ҳолда қўшимча равишда математика осмон илмларининг ҳам асоси эканлигини, юлдузлар илми барча фанларнинг, шу жумладан математика ҳамда маънавийатимизнинг сарчашмаси бўлиб келганлигини тушунтиришимиз зарур.



Олам ва одам яралишида МАТЕМАТИК АСОС МАВЖУДЛИГИНИ БИЛАСИЗМИ?

Бугун талабалардан: "Математикада нечта амал бор?", деб сўрасангиз "Тўртта - қўшиш, айриш, кўпайтириш, бўлиш", деб жавоб беради. - Квадрат ва илдиз чиқариш-чи? Булар математик амал эмасми? - десангиз талаба ёки унинг устози "Квадрат ва илдиз чиқариш тўрт амалнинг таркибидан келиб чиққан", дейди. - Давлатимиз байроғидаги ўн икки юлдуз буржи "Чор унсур" фалсафасига асосланади. Тўрт амал эса тўрт унсур - олов, тупроқ, ҳаво, сув элементини фалсафасидан келиб чиққан, - деб қўшимча қилсангиз, жавоби яна антика бўлади: - амаллар асли тўртта эмас, иккита. Қўшиш ва айришдан иборат. Кўпайтириш, бўлиш, квадрат ва илдиз чиқариш эса қўшиш ва айришдан келиб чиққан, - деб айтади. Биз "Изойи мўмин ҳаром" деган ҳадисга амал қилиб: - табиий илмлар, хусусан, астрономия фанида қуёш ва ой, физикада нур ва соя, мусбат ва манфий, фаза ва масса, протон ва электрон, тарих ва илоҳиёт, Ахурамазда ва Ахриман, булар математика фанида қўшиш ва айриш амалларининг манбалари ҳисобланади, - деймиз. Улар: - математика фанида қўшиш ва айришдек иккита амал эмас, атиги биргина амал бор. У ҳам бўлса, қўшишдир, - деб айтади. Биз яна: - устозлар таълими жуда ҳам тўғри ифодалаб бермоқда. Бизнинг оламимиз яратилаётган даврда аввал қизиб, айланиб турган бир жисм бор эди. Уша олов унсурли жисмин "қўшиш" (плюс "+") деб қабул қиламиз. Сўнгра у қизиб турган нарса портлаб кетади ва совий бошлайди. Биз айнан, портлаб совиган жараёни "айриш" (минус "-") тупроқ унсурга тегишли деб қабул қиламиз. Совиб бораётган жисм ўзидан буг ва бошқа иссиқ газ унсурларини чиқаради. Биз яна бугни, яъни, ҳўл-иссиқ мизожли ҳаво унсурини "кўпайтириш" ("x") деб ҳисоблаймиш. Ҳаво совиб, ундан ажралган ёмғир суви томчиларини ҳўл-совуқ мизожли табиати "бўлиш" (":") амали деб қабул қиламиз. Биз фанларни ўрганиш давомида қуёш, ой, ер ва бошқа сайёралар, олам ва одам тўрт унсур ва математик тўрт амал билан яралганлигини билиб оламиз. Энди ўн икки юлдуз туркумининг "ҳамал" буржидан ҳисобласак. Биринчи, "Қўй" юлдузлар туркуми, олов мизожига хос бўлганлиги сабабли "қўшиш" ("+") (1631 йилда немис олими У.Оутред математик аломатни "қўшиш" "+") деб қабул қилган. Иккинчи, "Савр" буржи тупроқ унсурга дахлдор, куруқ - совуқ мизожли бўлганлиги сабабли "айриш" ("-") деган аломат қўйилган. Учинчи, "Жавзо" юлдузлар туркуми, "ҳаво" унсурини, ҳўл-иссиқ мизожли бўлганлиги туйфайли "кўпайтириш" ("x") формуласи киритилган. Тўртинчи, "Саратон" буржи, "сув" унсурига хос, ҳўл-совуқ мизожли бўлганлиги сабабли немис олимлари "бўлиш" (":") деб номланган математик аломатни фанга киритган. Лекин тўрт амал "Чор унсур" фалсафаси орқали Буюк Бобил ва Буюк Турон халқларига милодий эрадан 4 минг йил илгари маълум ва машҳур эди. Фақат зардуштийлик падаршоҳлик дини бўлганлиги сабабли Наврўз байрами 22 июнь "Саратон" (айриш "-") дан эмас, "Ҳамал" ("қўшиш "+") буржидан бошланиши эълон қилинган. Саратон эса тўртинчи амал бўлиш (":") билан ниҳояланадиган бўлди. Бешинчи, "Асад" буржи, олов мизожли, яна "қўшиш" ("+") деб ҳисобланган. Олтинчи, "Сумбула" куруқ-совуқ, "айриш" ("-").

Еттинчи, "Тарози" буржи, ҳўл-иссиқ "кўпайтириш" ("x") Саққизинчи, "Ақраб" ҳўл-совуқ, "бўлиш" (":") Тўққизинчи, "Қавс", яна куруқ-иссиқ мизожли бўлганлиги сабабли "қўшиш" ("+") деб қабул қилинган. Унингчи: "Жадди"...куруқ-совуқ, "айриш" ("-"). Ўн биринчи, "Далв", ҳўл-иссиқ мизожли, "кўпайтириш" ("x"). Ниҳоят ўн иккинчи, "Балиқ" буржи, ҳўл-совуқ мизожли, сув унсурига дахлдор бўлганлиги сабабли 1684 йилда немис олими Г.Лейбниц "бўлиш" (":") аломатини фанга киритган. Мирзо Улуғбек расадхонаси ҳам айнан ўн икки юлдуз буржи осмонни ўзида мўжассам этган ҳолда доира шаклида қурилган. Расадхона ва квадрант асбобининг шарқий, қуёш чиқар (янги ой) тарафини "қўшиш" ("+") фарбий, кунботар (сўнаётган ой) томонини "айриш" ("-") деб қабул қилсак, Европа, хусусан, немис олимларининг фанга киритган математик аломатлари келиб чиқади. Сиз қуйида Мирзо Улуғбек расадхонаси лойиҳаси узра математик амалларнинг формулалари билан танишасиз.



Доира ичида икки марта "баробар" ("=") "баробар" қўйилганининг сабаби Қадимги Бобил ва Буюк Туронда эрак ва аёлнинг тенг ҳуқуқлилик рамзи ҳисобланган: (Қуёш-эрак 365*+355*ой-аёл = 720*: 2 = 360*: 2 = 180*) "Катта" ">" ва кичик "<" белгиларига эътибор берсангиз, қуёш ойдан катта бўлганлиги сабабли, кун хонасида бўлган каттанинг (">") учи ой хонасига қаратилган ва аксинча, ой қуёшдан кичик бўлганлиги туйфайли, тун хонасида бўлган кичикнинг ("<") ўткир қирраси (араб ёзуви каби) қуёш томонга йўналтирилган.

Кўриб турганимиздек, олам ва одам математик, ал-жабрик амаллар билан яралган. Қизиги шундаки, XV-XVII асрларда математик формулалар, аломатлар кашф этилишининг ниҳоясига етаётган даврда Европа олимлари: "Ёлгон илмлар аниқ фанларнинг сарчашмаси эди", деганида инквизиция уларнинг китобларини нашр этишга рухсат бермас эди. Албатта, католик динини ҳам тўғри тушуниш керак, илоҳиёт оламида "ота"га қараганда "она"га кўпроқ эътибор қилинган даъват қилинади. Шунинг учун ҳам табиатда "гелиоцентризм"га, шариятда эса "геоцентризм"га амал қилмоқ онага ҳизмат қилган каби мўқаддас бурч, фарз ҳисобланган.

Юртимизда миллий истиқлол, "диний эркинлик туйфайли фарзандларимиз, авлодлар осон тушуниши учун унутилган оламни математик қайта кашф этишга тайёрмиз. Бунинг учун ўн икки юлдуз буржи осмон амалиётига ҳамда Шарқу Фарб алломалари ва айниқса, Мирзо Улуғбек илмий меросига таянамиз.

Икромиддин СИРОЖИДИНОВ, Мирзо Улуғбек музей-мажмуаси илмий ходими.

"Агар қайта туғилиш насиб қилганида албатта, Самарқандни танлардим..."

21 март куни Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов таваллудига 80 йил тўлади. Мазкур сана муносабати билан шоирнинг акаси, қишлоқ ҳўжалик фанлари доктори, профессор Раззоқ Орипов хонадониди бўлиб, у киши билан суҳбатлашдик.

- Домла, Абдулла аканинг ёшлиги, болалиги қай тарзда кечган? У киши қайси жиҳатлари билан бошқалардан ажралиб турарди?

- Оиламиз катта эди - тўрт ўғил, тўрт қиз, ота-онамиз билан ўн киши эдик. Биз яшаган Некўз қишлоғи Қашқадарё вилояти Косон туманининг адирлар бағридаги энг чекка ҳудудларидан бири бўлганиданми, у ерда радио, телевидение у ёқда турсин, ҳатто электр энергияси, ичимлик суви ҳам йўқ эди. Одамлар асосан чорвачилик билан шуғулланарди. Кечқурунлари пода қайтганидан сўнг биз болалар кўчага чиқиб, ой ёруғида турли ўйинлар ўйнардик. Абдулла ака-укалар орасида энг кенжаси эди. У ёшлигида бироз халелчан бўлганидан кечалари қир устида ётиб юлдузларни томоша қилишни яхши кўрарди. Бундан ташқари, Абдулла қишлоғимиз мактабиди кичкинагина кутубхонада соатлаб ўтириб мутулаа қиларди. Мазкур кутубхонадаги деярли барча китобларни у 7-8-синфлардаёқ ўқиб чиққан эди, десам муболага бўлмас. Шоир болаликданёқ ёлгон, хўшмад, тилёғламалик, манфаатпарастлик, маҳаллийчиликни ёмон кўрарди.

- Шоирнинг устозлари ҳақида нималар дея оласиз?

- Абдулла ўқувчилик йилларида қайсидир бир тадбирда тасодифан ўша пайтлардаги Қарши тумани ижрокўми раиси Ҳамроқул Мамедов билан учрашиб қолади. Ҳамроқул ака ундан бир шеър ўқиб беришини сўрайди. Шунда бўлажак шоир "Кремль юлдузи" деб номланган шеърини ўқиб беради. Шеърни тинглаб туриб Ҳ.Мамедов Абдулладан "Москвага борганиман?" деб сўрайди. Шоир унга "Йўқ, бормаганиман" деб жавоб беради. Шунда Ҳамроқул ака Абдуллага қараб "Агар ҳақиқий шоир бўламан десанг, ҳеч қачон ўз кўзинг билан кўрмаган нарсанг ҳақида ёзма!" дейди. Абдулла кейинчалик Ҳ.Мамедовнинг шу сўзларини жуда кўп эслар ва бутун умри давомида ана шу қоидага амал қилиб яшган эди. Шунингдек, укам менга яна бир одамнинг ёрдамини айтиб берганди. Унинг айтишча, университетни битирганидан сўнг, 1963 йилда Абдуллани ўзи туғилиб ўсган Косон туманида чиқадиган газетига муҳаррир ўринбосари қилиб юборишди. Бу ерда бир йил ишлаганидан кейин, вилоят партия кўмитасининг биринчи котиби, адабиётни чин дилдан севадиган инсон Умаржон Исмоилов билан учрашиб қолади. У отамни яхши танир экан. Ота-болани қабулига қақиради. Отамга қараб, "Ориф ака, бир пайтлар мен ҳам шеър ёзардим, афсуски, мана бу ишларга берилиб кетиш шу жойларда қолиб кетдим. Сиздан илтимос, ўғлингизни Тошкентга қайтариб юборинг, ўша ерда ижод қилсин, катта шойр бўлади. Агар бу ерда қолса бордингиз, вилоят газетасига бош муҳаррир бўлар. Нима кўп қишлоқда тўй-маърака кўп. Тўйларда ҳаёт шу экан деб юриверади, кейин менга ўхшаб қишлоқда бир умр қолиб кетади", дейди. Шунда Абдулла "Умаржон ака, Тошкентда менинг бошпанам, кутиб турган иш жойим йўқ-ку, кўчада қолсам нима бўлади?", дейди. Умар ака "менинг Сотволди Йўлдошев деган курсдош дўстим "Ёш гвардия" нашриётида директор бўлиб ишлайди, ҳозир мен сенга бир хат ёзиб бераман, ўшани Сотволдига олиб бориб берсанг, сенга иш ҳам, ижара ўй ҳам топиб беради", дейди. Шу одамнинг гапи билан шоир яна Тошкентга келиб Сотволди акани топади. У киши ҳозирча бўш иш жойи йўқлигини, аммо корректорга



ёрдамчи қилиб тайинлашни, ойлик маоши 52 сўм бўлишини айтди. Шоир жуда хурсанд бўлиб кетади. Ўша вақтларда катталарда меҳр-оқибат, диёнат бор эди.

Шоир ижодининг шаклланишида эса таниқли адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Тошкент давлат университетининг журналистика факультетига киришда бўлгуси шоирдан биринчи ёзма имтиҳон олганидаёқ унинг истеъдодига таш берган эди. Шундан буён атоқли олим бизнинг оила аъзоимиздек бўлиб қолганди. Оилавий тадбирлар, тантаналаримиз у кишининг иштирокисиз ўтмасди. Яхши эслаيمان, шоирнинг "Митти юлдуз" деб номланган биринчи китоби босмадан чиққанида Озод ака шундай деб ёзган эди: "...Ёш шоир Абдулла Орипов ўз шеърлари билан йиллар, асрлар давомида шеърятимиз ривожига тўсиқ бўлиб ётган эскича усуллар, қарашларни парчалаб ташлаган ҳолда ўзбек шеърятига янгилик рух, мутлақо янги бир йўналиш олиб кирди..."

- Шоир ўтган асрнинг 70-йилларида нима сабабдан жиддий танқидга учраган ва уни кимлар ҳимоя қилган?

- Дарвоқе, шундай бўлган. Бу воқеалар Абдулланинг бор-йўғи икки куплет, 8 мисрадан иборат "Тилла балиқча" шеъри муҳокама си атрофида юз берган. Шеърда айтилишича, кимдир тилла балиқчани келтириб бир лойқа ховузчага солиб қўяди. Шеърнинг энг сўнги мисраларига эътибор қилинг: "Менга алам қилар, тилла балиқча Бир ховуз қўлмак деб билар дунёни".

Ўша замонда совет мафқураси жуда кучли эди. Ҳақиқий истеъдод эгаларини кўролмайдиган айрим "қаламқашлар" эса бу ҳукмрон мафқуранинг тегиригиронга сув қўйиб туришарди. Пашшадан фил ясовчи шундай "танқидчи"лар шоир бу шеъри орқали совет тузумини сасиб ётган қўлмак сувга, фўқароларни эса эзилган, кун кўролмаётган балиқчага ўхшатган, деб аюханнос солишди. Ёш шоирнинг бошида қора булутлар тўпланаётган шундай бир пайтда атоқли ёзувчилар Ойбек ва Абдулла Қаҳҳор уни ёнларига қақириб, Ёзувчилар уюшмасига кириш учун тавсиянома беришди. Бу билан улар "Ҳой баракатопқурлар, бу бола ҳақиқий истеъдод эгаси, унинг ёзганларида ҳеч қанақа ёмонлик йўқ, қолаверса у химюасиз эмас, бу шоирнинг орқасида бизлар турибмиз" дейди. Яна бир гап. Шоирга айниқса, Абдулла Қаҳҳорнинг меҳри бошқача эди. Ўша йилларда ёзувчининг 60 йиллик юбилеи муносабати билан Фарғонада Абдулла Қаҳҳорнинг ижодий кечаси ташкил этиладиган бўлади. Ўзбекистон

Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигига

Ёзувчилар уюшмаси маъсўл ходимлари мазкур тантананида иштирок этувчи ижодкорлар рўйхатини тузаётганида, Абдулла Қаҳҳор уларга сим қоқиб: "Тадбирга Абдулла Ориповни албатта, қақиринлар, агар шойр Фарғонага бормаса, мен ҳам бормаган" деган экан.

- Эшитишимизча, "Ҳақим ва ажал" поэмасини Абдулла ака Шароф Рашидовнинг топшириғи билан машҳур Карлови Вари санаторийсида ёзган экан...

- Ҳа, бу сўхаттоҳда ўша даврда дунё миқёсидаги ийрик давлат арбоблари дам олишган. Шу жумладан, Ш.Рашидовга ҳам бу ерда дам олиш учун йўлланма ажратилган эди. Абдулланнинг ижодига отилаётган тўхмат тошлари тўхтаётганини кўрган Шароф ака шоирни қақириб унинг қўлига ўзи учун ажратилган санаторий йўлланмасини беради ва 1000 йиллик юбилеи яқинлашиб келаётган улуг аллома Абу Али Ибн Сино ҳақида бир шеър ёзиб келишни илтимос қилади. Абдулла сўхаттоҳдаги таътили давомида бу вазифани ортиғи билан бажариб, буюк бобомиз ҳақида шеър эмас катта бир поэма ёзиб келади ва уни Ш.Рашидовга топширади. Асар Шароф акага жуда маъқул бўлади ва у киши Ўзбекистон телерадиокомпаниясига шу асар асосида видеофильм яратиш вазифасини топширади. Давлат раҳбарининг ана шу топширигидан сўнггина Абдулланнинг "танқидчилари" бироз тинчиб қолишади.

- Раззоқ ака, оғир бўлган шоир ҳаётининг Америкада ўтган сўнги кунлари ҳақида гапириб берсангиз...

- Умрининг сўнги икки ойи мобайнида укам Абдулла қизи Мавлуднинг Техас штатидаги хонадониди яшади. Нимагадир, бу пайтда айрим қаламқаш дўстлари, шоғирдлари шоирни мутлақо унутиб қўйишган эди. Шундай оғир кунларда Шавкат Мирзиёев Абдуллани ҳар томонлама қўллаб, унга моддий ва маънавий мадад бериб турдилар. Ватандан йироқда шоир ижод билан фаол шуғулланди. Ватан ҳақида, замондошлар ҳақида бир-биридан аҳойиб шеърлар ёзди. Эсимда, шоир ўзбек шеърятининг бугунги аҳволи, баъзи ясама шоирлар ҳақида шундай деган эди: "Шоирга, ижодкорга биринчи дўст - бу китобдир. Китобхондан ҳасадгўй, бахил, ёвуз одам чиқмайди. Ижодкорнинг оғидан биринчи бўлиб ўзининг касбдоши тортади. Мен бунинг ҳаётимда жуда кўп кўрдим".

- Абдулла ака Самарқандга алоҳида бир меҳр билан қараганини биламиз. Бу меҳр шоирнинг акаси ва синглиси шу заминда яшагани учунми ёки бошқа сабаблари ҳам борми?

- Бу саволингизга жавобини бир воқеани ҳикоя қилишдан бошламоқчиман. Абдулла Орипов нафақат улкан шоир, балки моҳир таржимон ҳам эди. Ўтган аср 80-йилларининг ўрталарида у машҳур италян шоирини Данте Алигьерининг "Илоҳий комедия" асарини ўзбек тилига ўғирди. Бу таржима Италия олимлари ва адабиётшунослари томонидан юксак баҳоланди. Тез орада Италия ҳукумати ўзбек шоирини Данте номидаги миллий мукофот билан тақдирлади ва Абдуллани Римга таклиф қилди. Мукофот топширилгандан сўнг, маҳаллий амалдорлардан бири шоирнинг туғилган жойи билан қизиқди. Шунда Абдулла унга қараб: "Шарқ афсонасига кўра, Ер шарини каттақон бир ҳўкизи шоҳларга кўтариб туради. Ҳўқизнинг бир шохи Римга, иккинчиси эса Самарқандга қадалган. Мен ака шу Самарқандданман" дейди. Унга қайтганидан сўнг мен шоирдан италянларга нима учун бундай деб жавоб берганини сўрадим. Шунда Абдулла Римда Қашқадарёни кўпчилик билмаслигини, Самарқандни эса ер юзининг ҳамма жойида яхши билишларини, шунинг учун шу тарзда жавоб берганини айтиб, кулимсираб қўшиб қўйди: "Агар қайта туғилиш насиб этганида мен албатта, Самарқандни танлардим". Укам ҳар гап Самарқандга келганида Амир Темур, Шохи Зинда, Имом Бухорий мажмуаларини ва Регистон майдонини албатта зиёрат қилар ва астагина "Қаранг, бу ерда улуг Навоийнинг излари бор" деб пичирларди...

- Сермазун суҳбатингиз учун ташаккур! Ёрмат РУСТАМОВ суҳбатлашди.

Одамларга меҳр улашиш осонми?

Университетнинг филология куллиёти домласи Эркин Қураҳмедов тушлиқда тўй зиёфатида таклиф қилганди. Ўйлайман, биргаликда борадиган ҳамроҳ топилмайди, денг. Шунда беҳос эсимга «Зарафшон» газетасида ишлайдиган укам Абдували Очилов келиб қолди.

«Эх, зап бўлди-да! Ахир газета тахририяти ҳам шундоқина тўй эгаси уйининг рўпарасида-я!» Бордим. Тушлик чоғи Абдували хонасида бир ўзи ўтирарди. Таклифимни айтдим.

- Зиёфатдан ким қочарди, ака, домлани жуда яхши танийман, қадрдоним. Аммо муҳаррир тадбирда, кўрпясиз тушликка ҳам чиқолмай телефонга «қорувуллик» қилиб ўтирибман. Ҳеч илоҳи йўқ, - деди Абдували.

Абдувалининг меҳрибонлиги гоҳида беихтиёр кишини мафтун этар, юракни эритиб юборарди. Шу сабаб бўлса керак, ҳадис ноз-неъмат, тансиқ таомларга фарқ зиёфатда ўтирсамда, тагин уни ўйладим: «Тушликка ҳам чиқмаган, қорни оч ўтирган бўлса

керак, - деган ўйга бордим... - Ошхона қаердалигини билмайман, тўй эгаси эса қариндошим, яхшиши шу ердан у-бу олиб бораман унга! «Тўйдан тўпик»да, ҳеч уятти йўқ!». Таклифимни айтдим.

Кетар чоғим яқин қариндошим Эркин домлани ёнига қақириб, факримни айтгандим, қувониб кетди: - Абдувалига?! Ҳозирда, ҳозир... Домла зумдаёқ битта оппоқ тугунча ва яп-янги елим қоғозли қўйлак келтирди.

Яна тахририятга келдим... Абдували ҳалиям тушлик қилмаган экан. Қўлимдаги совға-саломни кўриб, донг қотди.

- Бу сизга Абдували! Эркин домла берворди! Кўзни шамгалат қилиб тўйга биз зумда бирга бориб келсак ҳам бўларди-ю, иш қочариди... Аммо бу сизнинг



устоз муҳаррирингизга бўлган ҳурмат, садоқатингиз рамзи! Қани, ҳаммаям шунча бўлса...

- Ахир менга ишониб... Раҳмат, Эркин ака! Қани келинг, биргаликда... тушлик қиламиз, - деди у. ...Одамларда меҳр уйғота олиш осон эмас. Илло, ўзгаларда ана шу самимий, соф, беғараз меҳрини уйғотиб учун аввало, ўзимиз бошқаларга меҳр улашимиз керак. Абдували Очилов ана шу меҳрини илоҳи бўлса, имкони борича ҳамма-ҳаммага улашиш-

ни хоҳларди... У ўзи бемор бўла туриб ҳам таниш-нотаниш беморларга ачинар, эрнанар, яқин одамларнинг кўз ёшларини кўрса, бошига иш тушганини пайқаса, ич-ичидан дикланиб, эзилиб, қайғуравериб, гоҳ ўзининг хасталигини оғирлаштириб юборарди. «Ўзингиз касалсиз-ку, сизга нима, ким у сизга ахир!?» юпатарди ҳамкасблари.

Уни олдинига онасининг, сўнг отасининг оламдан ўтиши адо-тамом килди, касаллигини кескин оғирлаштириб юборди. Баттар асабий, тажанг, диқ бўлиб қолди.

Газета тахририятининг реклама ва эълонлар бўлимида у жонини жаборга бериб ишлар, хасталигини севишли иши орқали унутмоқчи, чалғимоқчи бўларди. Ишхонада ҳаммага бир хилда меҳр, эмираниш қўзи билан қарар, ҳаммани яхши кўрарди, ундан озроқина дили оғриган, кўнгли қолган одамни ҳозир ҳам тополмайсиз.

Абдували укам шундай бағри-бутун, очикқўнгил, қалбидарё инсон эди.

Муродим УМРЗОҚОВ, шифокор.

«««« Наврўз нафаси »»»»



Яна баҳор келди...

Алишер Навоий бобомиз айтганидек: Ваҳки, чамандин яна эсди шамол ўзгача, Ҳар дам улур атридан кўнглима ҳол ўзгача. Яна она тупроқнинг қадрон хуш исини, илик тафтини таратиб майин шамоллар эсди. Она ер уйғоняпти.

Кўшлар қўшиғи авжида. Ўз тилларида шодон чўғурлашаётган бу еру осмон малаклари, балки, қиш захридан, қаҳратон қаҳридан омон қолганлари учун яратганга шукроналик шодийнасини изхор этаётгандир.

Буюк мақсаду улкан ўзгаришлар, улғайишлар силсиласида кечаётган яна бир баҳор. Кечагина ола чалпоқ қор остида тўнғиб ётган тупроққа жон битди. Бир кечадаёқ кўзларни яшнатиб яшил либос кийди. Шамоллар эса завқдан хўштак чалиб юборди.

Кечагина дилдираган дарахтлар танида уйғониси мўъжизаси. Ҳадемай оппоқ ёки нимпушти гўлдастага айланади ҳар бири. Юртимиз гуллар ифориға тўлиб кетади.

Бу - Наврўз нафаси. «Қизалоқлар Наврўз байрамига атласу адрасдан қўйлақ тиктириш ҳавасида чопиб қолишди. Йигитчалар беллашишни бошлаб юборишди. Ахир Наврўз байрамида кураш мусобақалари бўлади-да. Келинчак ўсма эқди. Қош ўсмадан сув ичади, кўнгил кўнглидан. Кўчатлар экилишига нурунийлар бош-қош.

Баҳорнинг илк незматлари исмалоғу ялпизлардан тайёрланиб тандирдан узилаётган иссиқ юзли исмалоқчечак, кўксоманинг хушбўй хиди димоқни ёради. Етказганига шукур. Парисифат келинчаклар сумалак тараддуида.

Токлар танига сув югурди. Ток зангида куртаклар жилмайди. Новдаларнинг сал таноби тортилиб қайчиланганда кўз ёшдай тиниқ, нордон томчилар томчилади. Қаранги, бу томчи соч ўстирар экан. Косалар тўлдирилиб қизлар, келинлар соч ювишарди.

Мажнунтолнинг нозик новдаларим барглари қирқ кокилга қўшиб ўриларди, толдай солланиб, узун бўлсин, дейилади.

Давр янгиланади, замон янгиланади, одамлар ўзгаради. Лекин халқ удумлари, аънаналари ўзгармайди. Асрдан-асрга, авлоддан-авлодга ўтиб, такомиллашиб бораверади.

Наврўз халқимизнинг ана шундай қайта қадр топган гўзал аънаваный миллий байрамадир. Бу байрам маънавиятимиз, миллий маданиятимиз сарчасиманинг асосий кўзларидан бири. Унинг зилол сувлари қалбимизга илҳом, куч-қувват бахш этиб, рухиятимиз чаманини озиклантириб тураверади.

Абдуазиз ҲОШИМОВ.

Қишлоқда байрам дала-даштдан бошланади

Бизнинг Нуробод тумани Ҳазармали қишлоғимиз кенг даштликда жойлашган. Бу ерда Наврўз ўзгача нишонланади. Даштдаги, қир-адирлардаги гўзаллик, чучмо-моларнинг таровати, осмоннинг гоҳ булут, гоҳ мусаффо бўлиши одамларга баҳор кайфиятини улашади. Бу йил ҳам даштимизда Наврўз нишонланмоқда.

Онам эрта тонгдан баҳорнинг хиди уфуриб турган баҳорий таомларни пишира бошлади. Кеча укам билан мол боқиб, ялпиз ва момақаймоқ териб келгандик. Онамга яқин кўмакчи бўлиб, кўк сомса пиширдик. Наврўз арафасида сумалак солиш ҳам қишлоғимиздаги аънаналардан бири. Кўшчилар билан сумалак пиширадик. Албатта, ерўчоқ қилинади. Унинг атрофида молларимиз айтиб берган ривоят ва лапарни эшитиб, сумалак қайнатишнинг завқи бошқача. Ёш келинлар гўзал рақслари билан даврани қиздиради. Биз ният қилиб, сумалакка тош йиғамиз. Ҳар ким толганини дастурхонга олиб келади. Кимдир кўксомса,

яна кимдир кўкбичак, кимдир тандирдан узилган иссиқ нон кўтариб чиқади. Сумалак пишган, қишлоқдаги барча хонадонларга улашилади. Биз уларни хонадонма-хонадон тарқатишга роса қизиқамиз. Чунки сумалакни олган ҳар бир кишининг кўзигади кувонч рухиятимизга кўтаринкилик беради. Бугун мактабимизда ҳам байрам. Қизлар ироқи дўппи-ю, атлас қўйлақларда келган. Мактабнинг истеъдодли ўқувчилари миллий қадриятларимиз ҳақида саҳна кўринишлари тайёрлаган. Бир томонда югуриш, арқон тортиш, тош кўтариш бир томонда болаларнинг варрак учириси... Миллий ўйинларимиз орасида



айниқса, кураш мусобақаси жуда қизиқарли. Чунки кураш тушиш учун қишлоғимизга Олға, Ағрон, Ўртабўз, Тошқудук, Мусақоқ қишлоғидан ҳам курашчилар келади. Етти ёшли боладан тортиб етмиш ёшгача бўлган болаларимизгача кураш тушади. Байрам шукўҳи қишлоғимизда бир неча кунлаб кезади. Бу байрам қалбларга эзгулик уруғини эқади, аҳиллик, ҳамжихатлик, меҳр-оқибат янада мустаҳкамланади. Одамларнинг қалбига баҳор нафаси уфуради.

Мукаррам РЎЗИМУРОВА, СамдЧТИ талабаси.

Мунгли кўзлар

Мардон болалар уйига хизмат юзасидан бориб, кўнгли вайрон бўлиб қайтди. Воқеа худди алоқ-чаллоқ тушга ўхшарди. У тарбияланувчилар қий-чув кўтариб, ўйнаётган майдонча ёнидан ўтиб борар экан, уч ёшлардаги болакай унга қараб югурди: "Дадам, дадам келди". Мардон беихтиёр эгилиб болани бағрига олди. У жажжи қўлчалари билан бўйнидан маҳкам кўчоқлаб, лўппи юзларини юзига босди: «Дада»

- Аскаржон, бу киши даданг эмас, даданг эртага келади, - орқасидан етиб келган тарбиячи аёл уни Мардоннинг бағридан зўрға ажратиб олди. Болакай, «кўйиб юборинг, бу менинг дадам, тушимда

«««« Маънавият сабоқлари »»»»

кўргандим», деб хархаша қиларди. - Шохиста, кел қизим, укангни ушла, олиб бориб ўйнат, - тарбиячи аёл етти ёшлардаги қизалоқни қақриб, Аскаржонни тутқазди. - Узр, бола-да, сизни хижолатга қўйди! - тарбиячи аёл хўрсинди. - Бир ёшида ота-онаси ажрашиб, бувисига ташлаб кетишган. Кампир оламдан ўтгач, уни шу ерга топширишган. Эсини таний бошлагач, ота-онасини сўрайвериб юрагимизни эзади. "Даданг эртага келади", деб овутишга мажбур бўламиз. Кеча оқшом ҳам овутиб зўрға ухлатдик. Сизни кўриб дадам, деб ўйлади, шекилли... Мардон уйга қайтар экан, «дада», деб жавдираган бола кўз ўнгидан кетмасди.

Танбалбой

Асли исми Танибой. Ҳеч қаерда ишламай, кўча-кўйда санқиб топганини ичиб юрганидан Танбалбой дея лақаб ортириб олган. Ишиси ёшларга бир гектардан ер берилганганини эшитиб, танга толган девонадай қувониб кетди. Кўзларини юмиб, бармоқларини букиб хисоблашга киришди. "Бир гектар кам эмас, агар одамнинг топса, мўмайгина пулга ижарага берса бўлади. Бу пулга бир йил ётиб, еб-ичса бўлади". Калласига

келган фикрдан юраги ҳапқириб, ирғиб ўрнидан турди. Ариза ёзиб маҳаллага югурди. - Раис бува мумкинми? Оқсоқол ёзувдан бошини кўтариб, остонада қўл қовуштириб турган Танибойни кўрди. Энасиси қотиб унга юзланди: - Хўш, яна нима гап? Ароққа пулинг қолмадими? - Ариза ёзувдим, - Танибой қўлидаги қоғозни оқсоқолга узатди, - ер берилаяпти экан. Шунга мен ҳам... - Ҳм, сен ҳам ер олмоқчимисан? - оқсоқолнинг авзои бузилди. - Ярим йил ишсизлик

нафақаси тўладик, бекорчиликдан қўлинг бўшамади. Хўнар ўрганиш курсига юбордик, иккинчи кунийёқ ароқ келдинг. Уч марта ишга жойлаштирдик, "соғлигинг тўғри келмай" ишламадинг. Ота мерос ўттиз сотих томорқа ажриқ босиб ётибди. «Картошка эк» деб уруғ, «ўтқаз» деб кўчат бердик, сотиб пулга ароқ ичиб юбординг. Энди ақлинг кириб меҳнат қилмоқчимисан? Яхши! Аввал бориб томорқангни эпақага келтир, экин эк, дарахт ўтқаз, тер тўкиби ишла. Ер беришни кейин ўйлаб кўрамыз. Ол аризангни, чиқ! Тоғаймурод ШОМУРДОВ.

Роҳатой ёлғиз ўғлидан айрилиб қолгандек сезди ўзини. Хайрлашиб чиқиб кетишаркан, келини ортга қайтиб, бу қилган ишидан ҳайрон бўлган эрига намойишкорона, табассум яширинган кўзларига бироз маъюслик юқтириб, қайнонасини маҳкам қучоқлади ва тез-тез келиб туришларини баралла айтиб ундан узоқлашди. Роҳатой шу дам ёқасини ушлагиси келди. Одам ҳам шунчалар ўзгарувчан бўларканда. Буқаламун ип эшолмаса керак бунинг олдида.



Олдин ҳам ўғли ўқишда бўлиб, бир-икки ой келмай қолган вақтлар ўзини ҳеч қачон айни чоғдагидек ёлғиз ҳис этмаганди. Энди катта ҳовли бирдан хўвиллаб қолгандек туюлди. Келини билан биринчи бор қандай учрашгани ва бугунги айрилиқкача бўлган давр кўз олдида шундай тез ўтдики, бу тунда қора булутлар орасидан бирдан юз кўрсатган ойнинг атрофни бир неча сонияга ёритганига ўхшарди ва хотиранинг шу қисқа тасвири илгари хаёлига келмаган бир хулосани кўнглига солди: "Демак, барчаси илгаридан режалаштирилган!" Уни мактабдан қайтганда эшиги олдида учратди. Ийманиб салом берган қиз ёрдам сўраб келганини айтгач, муаллима уни ичкарига бошлади. Олдин кўрган бўлса ҳам уни эсполмагач, унга ҳаммаси дарс берганини эшитди. Математика ўқитувчиси бўлмоқчи экан. Икки йилдан буён университетга ҳужжат топширган, лекин имтихондан йиқилган. Тайёрланишига ёрдам сўраб келибди. - Репетиторлик қилмайман, - деди Роҳатой қизнинг мақсадини эшитиб. - Мени тушунмадингиз, - Қизнинг кўзлари ёшланди. - Йўл-йўриқ кўрсатсангиз бўлди. Бой

эсмасиз пул берадиган. Қизнинг ялинчоқ овозига чидолмаган Роҳатойнинг раҳми келди. Лекин кун бўйи юқори синф ўқувчиларига дарс бериб толиққанидан, хатто энг семимли машғулот бўлган бадий китоб ўқишга ҳам ҳоли келмасди. Вақти йўқлигини қандай тушунтириш ҳақида ўйларкан, бошини қуйиб солиб турган қизнинг илтижоси кўнглини эритди. - Ҳар кунни келиб безовта қилмайман. Дарҳақиқат, қиз безовта қилмагани рост бўлса ҳам, лекин олдинга ҳафтада бир, вақт ўтиши билан эса ҳар кунни келадиган бўлди. Ўқиш учун берган китоблари бўйича савол-жавоб қилган Роҳатой қизда математика фанига умуман иктидори йўқлигини билди, лекин бу вақтга келиб энди ўзи ҳам унга ўрганиб қолганди. Ишдан чарчаб келганда қиз ҳовлини супуриб-сидириб қўйган, кечки таом тайёрлашга астойдил ёрдамлашарди. Бир кунни қизнинг кайфияти йўқлигини сезди. - Мени эрга беришмоқчи, - деди у. - Уйдагиларни совчилар безор қилишаётган экан. Роҳатой қулди.

- Ҳар бир қизнинг қисматида эрга тегиш бор. Бундан хафа бўлмаслик керак. - Мен ўқимоқчиман. - Хафа бўлма, сенда ўқишга лаёқат йўқ. Лекин яхши ўй бекаси бўлиб, бир оилани гуллатишинг мумкин. Қиз йиғлади. Роҳатой уни юпатмоқчи бўлиб, бошини силади. - Мен сиздек қайнонам бўлишини истайман. Роҳатой бундай гап эшитаман деб ўйламаган эди. Ўғли яқинда ўқишни тугатади. Сўнгги вақтлар уйланиш борасида ўғлига бир неча бор оғиз очган, лекин ҳар гал суҳбат фарзандининг ўқиш тугагандан кейин ўйлаб кўрамыз, деган гапи билан яқун топарди. - Менга келин бўласанми? Ҳазил тариқасида айтган гапидан қиз уяладими деб ўйлаганди. Йўқ, бошини кўтарган қизнинг чақнаган кўзларида ҳаяжон порлади. - Ўқиган қизни оламан, десачи ўғлингиз? Роҳатой ўғли келганда қизга эътибор беришини сўради. - Қўйсангизчи, ойи, - ўғил одатий бепарволигини қўймади. - Сен тенгиларнинг фарзанди бор, - онанинг ўқинч тўла гапи ўғлини хушёр торттирди. - Бир ой ўтиб ўқишинг тугайди. Юрасанми сўққабаш бўлиб. Хўп десанг, ёзда тўйингни ўтказамиз. Ойда бир келадиган ўғлининг ҳафта ўтиб қишлоққа қайтганидан ҳайрон бўлган Роҳатой, ундан уйланишга рози эканини эшитиб, шошиб қолди. - Аввал қиз билан гаплаш, ёқса... - Сизга ёқса бўлдида, ойи. Совчилар биринчи боришдаёқ қизнинг розилигини олиб қайтишди. - Шошибсизда, Роҳатой опа, - мактабга борганида ҳаммаси унга ачиниб тикилди. - Ҳийла билан ўғлингизнинг кўнглини топмаган бўлса, у писмиқни келин қилиш кимдан чиқди? - Нега ундай дейсиз? - Роҳатой бу гапдан астойдил ранжиди. - Узим топдим. - Соддасиз, Роҳатой опа, - ҳаммаси ҳам кўнглига келган гапни айтишдан тоймади. -

Қудачангизнинг эрига қандай муносабатда эканини биласизми? Катта қизининг эрини ҳам ичкүёв қилиб олган. Боласини ўқитганим учун у оилани яхши биламан - матриархат. Тўйдан кейин келиннинг қайнонага бўлган эътибор шуъласи қанча тез сўниб борган бўлса, ўғлидаги бу шуъланнинг равшанлиги келинига нисбатан шунча тез ортиб бордики, бунга фақат кўр одам пайқамаслиги мумкин. Кечагина уй юмушларини ўзи билганича бажариб юрган қизнинг келин бўлгандан сўнг қўлини совуқ сувга урмагани ажабланарли эди. Андишанинг монелик қилиши эътироз жиловиға тушов бўлган, шаҳарда ишга жойлашган ўғлининг саҳарлаб ишга отланиб, уйга кеч қайтиши у билан фақат яшанба кунлари бафуржа гаплашиш имконини берад, шунда ҳам эри атрофда гирдиқапалак бўлган келини олдида ўғли билан холи гаплашолмаган онанинг ўртанишдан бошқа иложи йўқ эди. Мактабдан қайтиб кечки овқат қилингангани кўрган Роҳатой келиннинг хонасига кириб, уни боши шарф билан боғланган ҳолда кўрди. Мазаси йўқ экан. Ноилож ўзи қозон қайнатди. Дастурхон ёзиб, келини қақирганди, у овозига нолиш бериб ҳеч нарса емаслигини айтди. Ўғлининг ҳам иши чиқиб қолгани учун бир-икки кун келмаслигини қўшиб қўйди. Шундан кейин таом тайёрлаш муаллиманинг ўзига қолди. У яна илгаригидек ёлғиз овқатлар, келини эса эри келса у билан бирга тамадди қилишини баҳона қилиб, уйдан чиқмасди. Келини кир ювганда кийимларини ажратиб қўйилганини кўрган қайнона чидолмади. Бундай ҳурматсизликнинг сабабини билиш мақсадида келиннинг хонасига кираркан, насихат оҳангида бошлаган гапи озғида қолди - Мени келинликка олганмиз эки чўриликка? Умрида бу даражада асабийлашмагани учун Роҳатойнинг бошида оғриқ турди, қулоғи битгандек бўлди. - Ўғлингизни мендан қизганганингиз етмагандек, яна... Узокдан эшитилган каби қулоғига узук-юлуқ қираётган гапларни эшитмаслик учун ўзини ташқарига олди. Негадир кўз олдида мактаби айланаверди. Ҳаммаси университетга мала-

«««« Буни ҳаёт дейдилар »»»»

Ғафлат

Саратон ҳарорати пасайиб, қуёш секин юмалай бошлаган вақт. Ҳовли четигади бир тупгина қари толнинг сийрак соясиға қўйилган ёғоч сўрида ота-бола ухлайди. Ота ёнбошлаб овқат ейди, ёнбошлаб сўзлайди, ёнбошлаб ухлайди. Ёнбошлаб турмуш кечиради. Ўғлига ҳам падаридан ўтган. У фақат ёнбошлаб эмас, уй деворига ёки тахлаб-йиғиб қўйилган кўрпа, кўрпачаларга суняиб, гоҳ ёстиқни бағрига босиб, ёнқайиб ухлайди. Улар ҳозир ҳам худди шу ҳолатда уйқуга кетган. Дастурхонда бўш чойнак-пиёлалар, тақсимчада ярим ҳовуч сариқ майиз. Товуқ дик этиб сўрига чиқди. Майизни чўқилаб ея бошлади, «тиқ-тиқ, тиқ-тиқ». Ота кўзини ярим очиб: «Соҳибжон, товуққа қара», деди нимжон овозда. Ўғли овоз чиқаришга ҳам мадори етмай қўлини бир-икки бор силкитди: «кишт-кишт», «кишт-кишт». Товуқ майизнинг ярмидан кўпини еб тугатган чоғда ота яна кўзини сал очиб: «Соҳиб, қара, еб қўяди», деди тушда алаҳсираётгандай. Соҳиб уйқудан кўзини очолмади. Лекин отасини хотиржам қилиш учун «Ухлайверинг ота, майизни еб битиргач, ўзи кетади», деди бамайлихотир.

Хўркак

Илгари «дўм бобо»лар замони эди. Ширақайф «дўм» отининг жилловини дарахт шохига илиб, ўзи «магазин» деб аталадиган, одамлар оёғи билан кириб, боши билан чиқадиган хоначага кирди. Дўкончи пул тахлаётган эди, шошиб қолди. У пештахтага ўтирди. - Дўм бобо, у кунги аталган совғаларимизни манави бетаффик синдириб қўйибди, деб эшитдим. Синса, синибди-да, мана янглирини тайёрлатиб қўйдим, - деди ялтоқланиб сотувчи. Шундагина дўмнинг кўзи сояга ўхшаб, деворга ёпишиб турган Бердиқулга тушди. - Узр дўм бобо, касалмандман. Ярим халта чинни идишлар оғирлик қилди. Бошим айланиб, ташлаб юборганимни билмай қолдим, - деди у бўйинни тошбақа сингари ичига тортиб. - Касалмандман, сен тайинсизсан. Хўркак одамсан, хўркак. Хўркак кетгансан, йўл ёқасидаги қамишларнинг шитирлашидан. Мана энди тузаласан, хўшёр бўласан, - деди хўжайин ўқрайиб. Шундай деб, этигининг кўнжидан қамчисини олди-да, Бердиқулни савалай кетди.

«Бу одам»

Орадан ўн йил ўтди. Бу одам ўзгармади. Ниҳоят, унинг елкасига ҳам офтоб тегадиган кунлар бошланиб, хўжайинларнинг югурдаклигидан банк бошқарувчиси лавозимига кўтарилди. Хўжайинлар уни ўз паноҳига олди. Орадан кўп ўтмай ижроқўм раислиги вазифасини беришди. Лекин унинг яшаш ўша-ўша: қишлоқда отадан қолган бир хона, бир дахлизда туради. Бугун хотини ёрилади: «Номимиз улғу, супрамиз куруқ. Умримизнинг охиригача шундай яшаб ўтамыз, шекилли». Бу одам: «Бориға шукур қил, давлат менга мансабни бой бўлиш учун эмас, халққа хизмат қилиш учун берган». Бўлиб ўтган бир воқеа ҳали-ҳануз бу хотиннинг эсидан чиқмайди. Ахир унинг дилини ўртаб юборган эди-да. Хўжалик раисларидан бири бериб юборган бир қўй, бир хуржун майиз, бир белбоғ пулни кўриб, бу одам жигибийрон бўлди. Уволи тутмасин, деб пулни банкка, қўйни болалар уйига, майизни боғчага топширди. Раисни эса вазифасидан маҳрум қилди. Бу одамнинг фарзандлари яхши лавозимларда ишлайди. Ишқилиб шуларга ҳам инсоф берсин.

Ўта МУҲАММАД, Иштихон тумани.

«««« Ҳикоя »»»»

ка оширишга борганида эринмай икки йиллик абитуриентлар рўйхатини архивдан олгани ва собиқ ўқувчисининг ёлғончилигини Роҳатойга исботлаб берганини эслади. Келини ўқишга кириш учун ҳужжат топширмай, имтиҳондан йиқилдим дейишида нима мақсад бўлган экан, қизик. "Ёш ҳолида шунча муғомбир бўлиш мумкинми-а?" Мактабда тушқун ҳолатини пайқаган жамоадошларига қон босими ошганини баҳона қилди. Бир-икки кун мактабга бормаса ўтиб кетаркан. Мактабга эмас, қошки уйга бормаса. Лекин уйга бормаслигининг иложи йўқ эди. Бир неча кундан буён ўғлини кўрмасан - юраги ўртанарди соғинчдан. Ўғли эса... - Нега келиннингизга азоб берасиз, ойи, - деди онасидан ўлпаланганини тил учиди айтган совуқ саломига жойлаб. - Эрта-ю кеч ишингизни қилса. Нега ҳазар қиласиз ундан? Киригизини бермас экансиз. Овқатни сен қилма дебсиз. Мақсадингиз нима, ойи? Роҳатой ўғлига жавоб қайтармади, қайтаролмади. Чунки бошига ёғилган тўхмат тошлари томоғига тикилганди. Бир неча кун ўтиб, қишлоқдан ишга қатнаш қийинлигини рўқач қилган ўғли ижарага уй олиб шаҳарда яшамоқчи эканини айтганда она ҳеч нарса демади. Эр-хотин хайрлашиб чиқиб кетишаркан, келини ортга қайтиб, бу қилган ишидан ҳайрон бўлган эрига намойишкорона, табассум яширинган кўзларига бироз маъюслик юқтириб қайнона-сини қучаркан, тез-тез келиб туришларини айтганда Роҳатойнинг кўзи олдида келиннинг қизлик вақти эшиги олдида турган ҳолати гадаланди. Шу туришида унинг қиёфаси тамом бошқача, хийлаю макрга яширинган кўзлар Роҳатойни масҳара қилиб, устидан қулиб тургандек кўринди. Ушанда қизнинг асл қиёфаси ҳақиқатда қандайлигини уни таниган-билганлардан сўрамагани пушаймон найзасига айланиб, юрагига ботиб бораркан, энди уни сўғириб ташлашга ожиз эканини сезиб турарди.

Хуршид НУРУЛЛАЕВ.

- Шу қизталоқни бекор қоптинг-да, чаппа!
Кўннинг кети тешилиб, шигалатиб ёмғир
қуйиб берди. Тўлиннинг уст-боши шилта бўлди-ю
шундаям ўрнидан туришга унамади. Ётаверди.
Торикқан кўксига ёмғир ҳавоси газакдай қорши-
ди. Чўзилиб ётди. Тиниқ ҳаво. Булутистоннинг
тек бурчи сўкилиб, бир тақим кўёш ёлқини майса
сиртига ёйилди.

- Тулки болаляпти...
Хали ғингшиб, Тўлиннинг жулдурини бошпана
билган ит кўзлари сўлгин жимида. Эгаси кўк-
ни кўрсатса, кўкка қарайди. Қора булутни ёриб
чиққан кўёш нурларини қусайди. Ивиган юнгла-
рини сермаб ирганади. Эгасига яқинроқ суқила-
ди.

- Холмат қоранинг кўнгилини сиёҳ қилгани
қолди-да.
Тўлин кўнишиб ётган итга қаради. Ит чийил-
лаб тумшугини хезлади. Эгасининг ҳасбиҳолини
эшитшини истамаган каби қайта чўзилди.

- ...!

...Дарбозда Холмат қоранинг хотини кўринди.
Чўнг лойсупа устида тариқ ийлаб ўтирган эна -
Сунбул кампир келгиндини бир-да пайқамади.
Тўлиннинг капалаги учди. Тўнгилади:

- Бир балони бошламаса гўрига...
Бир четда ётган ит эринибгина хурди. Қора-
нинг аёли огиз жуфтлашга тиришди-ю чўчинди.
Йўргалаб кампирнинг тепасига келди. Кампир
қосбасини тепароқ сийриб хотинга қаради.
- Кел, Гулсум. Шаштинг баланд, баҳай?
- Сунбул момо, арз билан келдим!
Қоранинг хотини ўпқаланиб кампирнинг биқи-
нига омонат чўккалади.

Тариқнинг сиртидан бир-икки нишхўрт териб
итқитди. Кампирнинг кайфи тариқдай тўзиди.
- Қандай арз? Биздан бир бало ўтибдими?
- Бечора эримни қизил қонига белаб юбориб-
сиз-ку!

- Тавба де, бу нима деганинг? Қорахонингни
нима жин урибди яна?
- Итингиз қопибди. Бечоранинг сўл болдир-
дан бир шилим этини юлиб олибди.
- Ҳа, энди итда... Ўзи тегишган эса ажабмас...
- Йўқ, менинг эримни биласиз, кўйининг оғзи-
дан чўп олмаган хилидан. Шу манов улингиз...
- Тўхмат қилманг, чеч. Биз эрингизни итга
қоптирибми? Ўзидан ўтди... Ишонманг, эна.
Тўлин хотинининг гапини кесди. Кесмаса кўп
жаврайдиган. Гулсум ёзғирди.

- Ана, Сунбул момо, улингизнинг гапини эши-
тинг... Ким билсин, бу итингизни? Қутирган эса
ҳолим хароб.
Кампир Тўлинга ўғирилди. Ошхона тарафда
Қизларгулнинг қораси кўринди. Этагини гижим-
лаб бу тарафга мўралади.

- Сенинг қачон эсинг қиради экан, жувонмарг.
Воҳ, одам бўлмадинг.

Кампир гирдиғум гавдасини соллаб-соллаб
турди. Тўлин ўшқирди.
- Қоранинг ўзидан ўтди, эна. Менда нима айб?
Эрининг бундай атанганидан Гулсумнинг ҳа-
мияти кўзиди.

- Тилиям қийишқ мунингизнинг!
Кампир хез туриб, эрига тикилиб турган Қиз-
ларгулга имо қилди.
- Уйдан бир юлим хамиртуруш билан қайчи
олачик.

Қизларгул тисарилиб уйга кирди. Кампир
мингғирлаб ковушини тескари қийди. Тўлинни
ортиқ қарғамади. Бужмайган лаблари учиб чаппа-
нинг тепасига борди. Айрича шашт билан тиза-
ларини жуфтлади-ю, итининг биқинидан тоғдай
босди. Ит кампирдан чўчиб чийиллаб қочиб қол-
моқчи эди-ю, улгурмади. Истамайгина бўйсунди.

- Воҳ, нафсинг қонгандур, а? Сенгинага захар-
заққум юттирмасан қутулмаймиш экан...
Кампир итининг гарданига бир-икки туртки-
лади. Уйдан оларини қўшқўллаб қўтариб чиққан
Қизларгул кампирнинг тепасига келиб турди.
Кампир қайчини олиб итининг бўлиқ юнгидан
сиқимлаб-сиқимлаб кесди. Кейин тикланди. Тиг-
дан чўчинган ит кампирнинг забитдан қутулгани-
дан жонхалак чийиллаб пусиб кетди.

- Ма, Гулсум, шу хамиртуруш билан итнинг
юнгини эринингнинг ярасига боғла... Ўтиб кетади.
Гулсум аччиққолиб мингғирлади.
- Ҳеҳ, момо, сизга ачинаман, сизга!
Гулсум ўрнида дадил туриб кампирнинг қўли-
дагини юлқиниб олди.

Қизларгулга: "Эрининг эпаккага сол", дегандай
хўмрайиб қаради. Кейин этагини силкиб дарбо-
зага йўналди. Кампир пилдираб келиб жойини
ийғди-ю нари кетаркан ўзига-ўзи гўлдирди.
- Ер ёрилса-ю ютиб кетса.

Тўлин энасига зимдан қаради. Тепасида тур-
ган хотини Қизларгулнинг лаби гезарди. Эрига
огиз жуфтлашга ҳафсала қилмади. Уқдай тикилиб
турди. Бир хил нарсаларни ўйлаб ичи ачишди.
Кейин кўзлари юзма-юз бўлди.
- Ҳа, мен одам эмасман. Бўлдимми?
Қизларгулнинг кўзи ёшга тўлди. Дуррасининг
бир четини бурнига қадаб бурилди. Тўлин тек
қолди. Мияси говлади. Сўчинди.

Шу тахлит узок турди. Кўкка қараса қоп-қора
булут ўраб келяпти. Ўрнидан жилди. Эт-бетин-
нинг гардини қоққан бўлиб, хужрасига йўналди...
...Хужрасига бош суқса, хотини Қизларгул
изиллаб ўтирибди. Беш-ўн кунлик ёвру қизчаси
чириллайди, эна эмчак тутади-ю бола иймайди.
Энага эш бўлиб, бўтадай бўзлайди.
- Ю, чирқилламасдани Ма, ол.
Тўлин бошлигини сийриб, манглайини артди.
- Қарғама, Қизларгул, сутинг қочади.
Хотин илмайди. Барини уюриб, бурнини ша-
рақлатиб тортиди. Қўҳ-қўҳ йўталди.
- Бўлди-я!
Тўлиннинг калласи говлади. Оғир букилиб
ўзини шолча устига ташлади. Чўқур нафас ютди.
Тани энгиллашгандай бўлди. Кейин димоғига
бола хили ўтирди. Қўзғалди. Хотини сари сури-
ди.

- Менга бер шуни, Қизларгул, қўтарай-чи.
Туришингни қара, эт қопгани келган илиқига
ўшайсан. Чўчитаясан болани.
Қизларгул эримсан-еримсан демади. Тўлин-

нинг қўли ҳавода қолди. Хотин кетини нарироқ
отиб ўтирди. Кичкина қизча баттар чириллади.
Энаси бўлиқ юзини жужуқнинг муштдай юзига
теккизди. Эна-ю боланинг йиғидан оташдай қизи-
ган турки қапишди. Икковининг-да кўнгили энгил
тортгандай бўлди. Қизча ҳалим ғингшиди. Она
енгил томоқ кирди.

- Энди сен бошляясанми, қанжиқ. Тур кет,
отангни йўқла: кўрсин, эс-песи боридан топиб
берар.

Хотин бетгачопарлик қилмади. Юз-кўзини
арткилаб узик жавоб қилди:
- Энди мени ит искармиди?
Тўлин эшини тузуқ тингламади. Сирилиб ўрни-
дан жиларкан қўшимча қилди.
- Гап шу...
Дарбозадан чанг кўчага чиқди. Офтобнинг



ола-кула кўланкаси остида саркаш жўнади. Ке-
таркан ўзича ўдага пўнгиллади.

- Ҳаҳ, сен Холмат қора, мени икки дунё тинч
қўймайсан чоғи?!

Ёғоч дарбозани туртиб кирди-ю сўл болди-
рига жадда танғиб, бўғот остида ўтирган Холмат
қорани кўрди. Улкасини баландалтиброқ борди.
Холмат қора Тўлиннинг нима истаб келганлигини
пайқаган бўлди. Биринчи атакага ўтди.

- Қайси юз билан остонамни хатладинг, бе-
бурд?

- Ориятимдан, Қорахон ака, яхши иш қилма-
динг!
- Воҳ, сенга ор битмаган, бечурд...
Тўлин бери тўхтади. Бўйни букилмасин учун
хез қолди.

- Эски кудуратни унутинг эди!
- Ўлсам унутмасан. Манов еримдан чиқар,
лекин манов еримдан чиқмайди.

Холмат қора кўксига нуқиди. Кейин кўзини
эгри олди.
- Мен сизни атай тутқиладиб эдимми? Ўзингиз-
дан, яширининг эди.

- Ҳаҳ, сенга ишонгандим, ука, сенга...
- Эргашчанинг таначаси ўлсин эди. Шу тиррик
жонлиқни деб умримизнинг кўпи куйди. Дунёдан
тоқ ўтганим дуруст экан!

- Ҳаҳ, кўйинингга совуқ уриб эди-да, ука. Са-
бринг нафсинга энгилди-ю, мен соддани бошини
қизитиб ўғирликка ундадинг. Ҳаҳ, сенинг кўйини-
гни қизитган хотин бошингни есин!

Тўлин каловланди. Қорага зимдан қаради,
қаради-ю, афтини бужмайган кўрди.

- Қорахон ака, ўша тунда сизни ўғирликка
унамаган эдим. Кўйинг, бурундан кўшни қи-
шлоқлардан жонлиқ ўғирлаб тоғ ортига сотиб
келишингизни билмасам экан... Ўзингизиям
суягингиз энгиллик қилди. Эргашчанинг тутқил-
лаб олишини туш кўриб эдимми? Ишонаверинг,
Кўшработнинг йўлида тун яримчага йўлингизни
пойлаганман. Қўлимда этовдаги танача. Қарасам,
келмайдигансиз, бир гап чиққан тушуниб чўчи-
дим. Аммо иш еридан кўнганини билиб, жонлиқ-
ни тоғ ортига элтиб уйга қайтганман. Эртасига
даррагингизни тўйдим. Билсан, сизни Эргашчанинг
укалари қувиб етган экан...

- Ҳа-да, ит эмган энаси фарлар, Янтоқлининг
биқинида тутқилади. Ҳа, таниди. Бари мени гув
забтига олиб ўбдан турткилади. Кейин тузуқ гап
ололмай, гап қўшди: "Танани ким олиб қочди?
Айт, Қорахон! Майли, сендан хафагарчилигимиз
йўқ. Шеригинг ким эди? Айтсанг, ана, йўлинг
очик!..". Мен сени ўйладим. Ёш, умри синмасин,
дедим. Сотмадим. Қўлимни орқа қилиб, ўзимни
милисага топширдим. Қанча вақт йўқотдим. Ўти-
риб қайтсам, отим хароб. Ким кўрса қўл олгани
ижирғанади. Сен эса ўтар кунингдан мастсан. Бир
марта остонамни йўқламабсан, бечурд. Жонлиқ-
нинг пулига келган хотинчанг... Сенинг кўйинингни
қизитган ўзим бўлдим... Билсанг, шу хотинчангдан
мениям ҳаққим бор!

- Ҳалдингни бил, қора! Янами, сенга бир гап
кам, иккитаси кўп экан-да. Воҳ, тинчимайдиган
кўринасан. Бир бало қилиб қўймаган гўрига...
- Ҳа, нима эди: яна итинга қоптирасанми?
- Қопган итининг ўзи. Мен бостирмадим...
Тирқишда Гулсум кўринди. Кўйнида боласи
изиллайди.

- Тур, кет. Туф-а, остонамни харом қилдинг,
тур кет, ит!
- Чийиллама, янгал!
- Уйга кир, энаси фар. Кўзимга кўринма!
Холмат қора хотинига ўшқирди. Хотин бақир-
ди. Тўлинга еб юборғудай қаради. Бурилиб уйга
кирди.

- Бугун Топтепага қор. Сен билан очикча га-
плашиб оламиз, ака. Қон қилдинг, қарзимни уза-
ман. Майли, оқибати куйсин, қарзимни узаман.
Керак бўлса турмагаям қираман...
Тўлин қайрилди-ю, ховлидан чиқиб кетди.
Холмат қора унинг ортидан қув кузатиб қолди.

- Сўзинг сўз бўлсин, Тўлин. Йўқса, хотинчан-
гни бўлишамиз...
Ёғоч дарбоза гурсиллаб ёпилди.

- Нима, захар ютдингми? Бунча алаҳлама-
санг?!
Ёмғир тиниб, кун ина бошлаган палла Тў-

«««« Ҳикоя »»»»

лин шилта майсанинг устидан хез турди. Жиққа
ивиган абосини силкиб, қирдан паства йўргалади.
Чаппа бемадор унинг қабатида кетиб бораркан,
элас-элас кекиради, ҳансирайди. Нуқул чиқиллаб
ортта тисариллади. Тўлин итни англамай боқади.

- Юр-а, чаппа, уйга қайтамыз!
Ит қишлоқ тепасигача шилта майса устида
бемажол юриб борди. У ёғига оғғи тортмади.
Увлаб тўхтаб қолди. Тўлин анча илгарилари.
Сўфин қайрилиб бирон қирқ-эллик одим тепароқ
нишабликда қолган чаппани ўзи сари имлади. Ит
қулоқларини динг қилиб ерга чўқди. Тумшугини
майса устига ташлади.

ЭЛЛИГИНЧИ ДОВОНДА...

Эллигинчи доводна умрим,
Ниятларим нурга қорьяпман.
Нега ёшим ўтгани сайин,
Ёш боладек бўлиб боряпман.
Бола қалби кириб қалбимга,
Нелардандур сураман хаёл.
Билгим келмас, мен ғам малаги,
Эслагим йўқ мен маъюс аёл.
Майса билан дилдош шабнамлар,
Кирса эди кўнгили боғимга.
Малҳамини сўрса бу хаёт,
Ишқдан қолган дардли доғимга.
Эртақларда ёнсам оловдай,
Енгсам тош дил баҳодирларни.
Қулич билан ташласам янчиб,
Рашқдан қолган хавотирларни.
Эллигинчи доводна сабр,
Бу ҳеч гапмас ишқ деб адога.
Юрагимда қолган гапларни,
Айтмоғим бор бир кун худого.
Бугун йўлим ёритмоққа шай,
Эллигинчи ёнаётган шам.
Майли, ҳар не борингга шукр,
Умидларим хаёт ҳали ҳам.
Демак, бугун кечирмоқ лозим,
Ҳар не мушқул, бахоналарни.
Юрагимга гул қилиб тақдим,
Эллиқ йиллик шўқроналарни.
Гулжаҳон МАРДОН қиз.

Шеърят уммонидин бир
томчи сув бўлсам қани,
Шоҳ Навоий ганжининг
асрорини билсам қани.

Мен макон тутсам ҳамиша
маънавият боғини,
Сўнг қалам бирлан жаҳолат
бағрини тилсам қани,

Вожаб, ҳайронанам, ҳар
дилда қулгай сохталик,
Чин юраклар саҳнасида
яйрасам, қулсам қани,

Дейдиларки, жонфидолиғ
эрийгитларнинг иши,
Мен-да ҳақ деб, Ҳақ йўлида
жон фидо қилсам қани,

Ҳар кишининг исми бирла
сийрати мос, дейдилар,
Гар Ҳасанменки, ҳасанлиғ
қасб этиб ўлсам қани,
Ҳасан АЛМАТОВ.

САМАРҚАНДИМ

Кўҳакка юзим бурсам,
саррин бир сабо келди,
Ҳазонлар сас берди,
ё мозиёдан садо келди.
Шоҳи Зинда бўзлади,
Ҳазин бир нидо келди,
Мискиндек, бир меҳрга зоримсан,
Самарқандим!
Шоним ўзинг, ғурурим-оримсан,
Самарқандим!


Давронлар силсиласи
дахр қаҳқашонида,
Муждаи латиф кезмиш
қулларим хуш ониди.
Таърифингни қуйладим,
мен ғазал бўстонида,
Кўшигимга ҳамоҳанг торимсан
Самарқандим!
Шоним ўзинг, ғурурим-оримсан,
Самарқандим!

Сен заминдан самога
зиё сочган моҳимсан.
Ҳар дониш Авлиё,
шоирлари Шоҳидирсан,
Гоҳ шодлигим, гоҳида
бўғзимдаги оҳимсан.
Некидусан, боқийсан,
боримсан, Самарқандим!
Шоним ўзинг, ғурурим-оримсан,
Самарқандим!

Спарангиз ўзингсан,
Искандарни лол этган,
Сарбадорсан, Чингизнинг
аёл қаддин дол этган.
Муқаннасан қулликдан
мазлумни озод этган,
Елкасида тоғдай юк, норимсан,
Самарқандим!
Шоним ўзинг, ғурурим-оримсан,
Самарқандим!

Афросиёб кўрғоним,
ҳам Оби Сиёҳимсан,
Оби Маҳшад, Новадон,
Чашмаи Сиёбимсан,
Чоқардизам, Сангиним,
тарихга гувоҳимсан,
Дийрим десам камдек,
ёримсан Самарқандим!
Шоним ўзинг, ғурурим-оримсан,
Самарқандим!

Сен Бессан, Доро-3 ни
тахтдан мосуво этган,
Артасеркс ҳам ўзинг
Осиёда шон қучган.
Сенда Соҳибқироним
Жаҳонгир деб ном қучган,
Мулки жаҳонда якто
боримсан Самарқандим!
Шоним ўзинг, ғурурим-оримсан,
Самарқандим!
Шаҳридин УМИРОВ.



Ҳасан СУЛТОНОВ.

«««« Янги китоблар »»»»

“Дил мулкмининг гулшани рози”

Яқинда самарқандлик истеъдодли шоир ва публицист Раҳимжон Наминнинг “TURON NASHR” нашриётида икки китоби чоп этилди. Улардан бири “Дил мулкмининг гулшани рози” девонидир.

Девон тузиш учун унинг назарий тузилиш қондаларига, араб алифбоси ёхуд ҳозирги ўзбек тилининг кирилл алифбоси тартибда мураттаб этилади. Шоирнинг девони-га шундай тартиб берилган. Ундаги ғазаллар, мустаҳзод ва туқуқлар бармоқ ҳамда қисман аруз вазнида бўлиб, мумтоз адабиётдаги анаънавий маълумотларга асосланиб ёзилган. Шоир: “Бу девонни тузишда ғазал мулкмининг султони Низомиддин Мир Алишер Навоий девонининг тузилишига таяндим”, деб таъкидлайди. Эътиборлиси, девон рункларидега теран ғурур, ифтихор, бунёдкорлик, ватанпарварлик, пок севги, меҳр-оқибат, вафо ва садоқат жўшқинлик билан қаламга олинган.



“Қалбим битиги”

Раҳимжон Наминнинг навбатдаги китоби шундай номланган. Ушбу китобда модерн шеърлар жамланган бўлиб, инсонни ўйлашга, фикр юритишга ундайди.

Шеърларда чархланган фикр ортидан янгилири тўғилади ва унда ҳаёт ҳақиқати гавдалантирилади. Масалан, шоирнинг “Яшаш тарзи шериди” айнан шу ҳолатни кўраимиз: Фарзанд учун яшаш – халқинингнинг яшаш тарзи Зурёдларга муҳаббатдир юксак туйғу Елкадаги бурчга жону диллар пешкаш Чунки одам виждонининг амири бу! Қолаверса, ижодкор воқеликни ҳаёлот парвозида аниқлик билан тасвирлайди ва фикрни ақл тарозисидан ўтказида. Ижодкор шеърларини ўқиб, бугунги давр манзара-си янги фикр чўққилари билан ёритилганлигини кўрасиз.

Ф.РЎЗИБОВЕ.



ORIENT FINANS BANK

хусусий акциядорлик тижорат банки Самарқанд филиали жамоаси

барча юртдошларимизни

Наврўз айёми

билан самимий қутлайди.



“Ориент Финанс” хусусий акциядорлик тижорат банки мамлакатимизда 10 йилдан буён банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Банк республика молиявий хизматлар бозорига намунали фаолият кўрсатиб, етакчи банклар қаторидан жой олган. Байрам арафасида банкимиз жисмоний шахслар учун қўйидаги янги кредит турларни таклиф этади:

“Оилавий” ипотека кредити:

- фоиз ставкаси – 18 фоиз йиллик;
- бошланғич бадал – 20 фоиз;
- муддати – 20 йил.

“Авто кредит”:

- фоиз ставкаси – 23-25 фоиз йиллик;
- бошланғич бадал – 30-50 фоиз;
- муддати – 40 ой.

Шунингдек, банкимиз жисмоний ва юридик шахсларга барча турдаги банк хизматларини таклиф этади.

МАНЗИЛИМИЗ: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 48-уй.
ТЕЛЕФОНЛАР:
66-233-80-00, 78-230-80-00.

Хизматлар лицензияланган.



ПАСТ ДАРФОМ ТУМАНИ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ



ватандошларимизни ҳамда барча тиббиёт соҳаси вакилларини

Наврўзи олам билан табриклайди.

REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUHOJAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИНГ!

Иштихон тумани ҳокимлиги қайта ташкил этиш комиссияси томонидан тумандаги «Қўрлисий техникалари» агрофирмаси ҳудуддаги туман захираси ҳисобида бўлган 76 ва 84-контурлардаги жами 3,35 га. ер майдони узумчилик йўналишида фермер ҳўжалиги ташкил этиш учун танлов ўтказилишини маълум қилади.

Аризалар газетда эълон чоп этилгач, ўн кун мобайнида қабул қилинади. Танловга оид барча масалалар юзасидан туман қайта ташкил этиш комиссиясига мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзил: Иштихон тумани қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими биносининг 2-қавати. Телефон: 66-629-25-45.

ДАЪВОЛАР БўЛСА

Самарқанд туманидаги «KONIGIL SAXOVATI» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 200775494) ўз устав фондини 220 000 000 (икки юз йигирма миллион) сўмдан 208 695 273 (икки юз саккиз миллион олти юз тўқсон беш минг икки юз етмиш уч) сўмга камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилайдиган барча даъволар газетда эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Чўпон ота маскани.

Самарқанд туманидаги «KONIGIL SAXOVATI» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 200775494) ўз устав фондини 220 000 000 (икки юз йигирма миллион) сўмдан 208 695 273 (икки юз саккиз миллион олти юз тўқсон беш минг икки юз етмиш уч) сўмга камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилайдиган барча даъволар газетда эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд тумани Қўшамғали маҳалласи.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Норкулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасида марҳум Багдасаров Сергей Гургеновичга (2020 йил 14 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Норкулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.

Тойлоқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Валиходжаев Фарзод Батирович нотариал идорасида марҳум Очиллов Баходир Шарофидиновичга (2010 йил 18 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Валиходжаев Фарзод Батирович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Тойлоқ тумани Тойлоқ шаҳарчаси.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Қодиров Улуғбек Толибович нотариал идорасида марҳум Мелиев Зоир

Ахроровичга (2017 йил 2 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қодиров Улуғбек Толибович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Бойматов Элибекга (2008 йил 1 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси Истиклол кўчаси, 73-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум Таштанов Джурабайга (2020 йил 14 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Азимова Камола Ҳамзаевна нотариал идорасида марҳум Искандаров Алишер Норкуловичга (2019 йил 18 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Азимова Камола Ҳамзаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Буюк Ипак йўли кўчаси, 18-уй, 51-хона.

Пайшанба маиший хизмат касб-хунар коллежидан 2015 йилда Ахроров Шерзод Фахриддин ўғли берилган рақамли рўйхат рақами 81, К № 3824692 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабидан 2007 йилда Нажмиев Шохобидин Тўйчиевич номига берилган U № 2544024 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюмаси Жомбой тумани кенгаши низомининг (2015 йилда Самарқанд вилояти адлия бошқармасидан тасдиқланган) асл нусхаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 100-ўрта мактабдан 1999 йилда Юлдошева Насиба Абдихалимовна номига берилган O'R-Z № 138349 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Нуробод тумани Тим қишлоқ ҳўжалиги ва сервис касб-хунар коллежидан 2016 йилда Рустамов Ислонбек Олим ўғли номига берилган К №

4288665 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги “SHASHLICHOK” оилавий корхонасига тегишли, Самарқанд шаҳар давлат солиқ инспекциясидан рўйхатга олинган «МЕРКУРИЙ-115Ф» русумли назорат касса машинасининг дафтари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги “AVAZ UNIVERSAL SERVIS” масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 302927093) думалок муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Нарпай туманидаги 11-ўрта мактабдан 1982 йилда Юсупов Шерали Очилевич номига берилган № 898492 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 3-умумий ўрта таълим мактабидан 2012 йилда Ходи-зода (ҳозирда Бабоқулова) Бекзода Камоловна номига берилган U № 5344432 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 30-умумий ўрта таълим мактабидан 1994 йилда Махмудова (ҳозирда Байтулаева) Мунира Абдурашулова номига берилган UM № 140989 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 53-умумий ўрта таълим мактабидан 1983 йилда Исломов Дилдора Хаккуловна номига берилган U № 148778 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги 58-(ҳозирги Оқдарё туманидаги 53-) умумий ўрта таълим мактабидан 2009 йилда Хосилова Муниса Ихтиёровна номига берилган U № 3713873 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Оқдарё туманидаги 53-умумий ўрта таълим мактабидан 2012 йилда Абдусаломова Шахноза Баходировна номига берилган U № 5377363 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 52-ўрта мактабдан 1997 йилда Меликова Нилуфар Зоҳировна номига берилган UZI № 2544024 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги “Хабар-Любович-Ор-Авнер” ибодатхонасининг (синагогаси) (СТИР: 204631544) думалок муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ПИЯНИНО СОТИЛАДИ
Александр Герман номли, Германияда ишлаб чиқарилган, яхши ҳолатдаги пианино сотилади. Нархи 500 у.е.
Телефон: 97-408-77-36, 66-229-48-28.

Жумақул КАРИМОВ

Иқтидорли олим, моҳир журналист ва ижодкор Жумақул Каримов 78 ёшида оламдан ўтди.

Ж.Каримов 1943 йилда Хатирчи туманида туғилди. Ўрта мактабни битиргач, Ўзбекистон миллий университети (ТошДУ)нинг журналистика факультетига тахсил олди. Талабалик йилларидаёқ ўзининг ижодкорлик қобилиятини намойиш этиб, “Янги ҳаёт” газетасида фаолият юритди. Кейинчалик “Туркистон” газетаси, Тошкент телеканалида ишлади. Ўзбекистон телевидениесининг Самарқанд вилояти бўйича муҳбири бўлди.

1977-1994 йилларда Самарқанд вилояти партия кўмитасида лектор ва матбуот бўлими бошлиги лавозимларида ишлаш баробарида партия марказий комитетининг ижтимоий фанлар академиясида илмий иш билан шуғулланди.

Фалсафа фанлари номзоди бўлгач, Ж.Каримовнинг ҳаёти Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг ижтимоий фанлар кафедраси билан боғланди. Ушбу даргоҳда доцент, кейинчалик кафедра мудир ва магистратура бўлими декани лавозимларида ишлади. Ижодга меҳри боис шеърлар, илмий ва бадиий асарлар ёзди. “Истиклол ёшларининг саодат йўли”, “Оқ кушлар”, “Пешонангда ёрқин ой”, “Қалб хазиnasi”, “Юрагимда ёнар бир чўғ”, “Садоқат”, “Сангжумон тоши минг қишлоқ боши” каби ўнлаб шеърый, илмий тўпламлар нашр эттирди.



да боғ яратди, эккан мевали дарахларидан кўзи қувнади, роҳатланди.

Шундай инсонлар борки, улар меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги, янгилликка ўчилиги, касбига фидойилиги билан ажралиб туради. Улар ҳаётидаги ютуқларини ҳалол меҳнати, касбига меҳри, юртига садоқати билан қўлга киритади. Жумақул Каримов шундай сифатларга эга юртдошларимиздан бири эди.

Унинг ёрқин хотираси қалбимизда сақланиб қолади.

“НУРОНИЙ” ЖАМФАРМАСИ САМАРҚАНД ШАҲАР БўЛИМИ.

ТАЪСИСЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

“УРГУТ САВДО КОМПЛЕКСИ” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг 2020 йил якунлари бўйича умумий ҳисобот ййғилиши 2021 йил 9 апрель куни соат 10:00 да жамият маъмурий биносида ўтказилади.

- КУН ТАРТИБИДА:**
1. 2020 йил якунлари бўйича жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи;
 2. Жамиятнинг 2020 йил иқтисодий-молиявий ҳолати бўйича жамият бош ҳисобчисининг ҳисоботи;
 3. Тафтиш комиссияси раисининг ҳисоботи;
 4. 2020 йилги бухгалтерия балансини тасдиқлаш;
 5. 2020 йил бўйича ўтказилган аудиторлик текшируви хулосасини тасдиқлаш;
 6. Жамиятнинг 2021 йил учун тузилган бизнес-режасини тасдиқлаш;
 7. Жамиятнинг 2021 йил учун штатлар бирлиги жадвалини тасдиқлаш;
 8. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича таъсисчиларга бериладиган дивиденд тақсироти ва унинг тўловини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;
 9. Жамият кузатув кенгашининг янги аъзоларини сайлаш;
 10. Жамият бошқарув аъзоларини сайлаш;
 11. Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш;
 12. Жамият балансида бўлган 9-11-секторлардаги ҳашар йўли билан қурилган савдо дўконларини хусусийлаштириш масаласи;
 13. Бошқа масалалар.
- Манзил: Ургут тумани Мерганча маҳалласи. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.**

“Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси” қошидаги

«SAG AGRO» МЧЖга қарашли «In vitro»

лабораторияси жамоаси

халқимизни

Наврўзи олам

билан самимий табриклайди.



ИСТИҚБОЛЛИ МЕВАЛИ ДАРАХТЛАРНИНГ КЎЧАТЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси таркибидagi “SAG AGRO” МЧЖнинг “In Vitro” лабораториясида микроклонал йўл билан об-ҳавонинг ноқулай шароитларига, турли касаллик ва зараркундаларга чидамли бўлган ҳамда Ўзбекистон тупроқ-иқлим шароитларига мослаштириб кўпайтирилган ёнғоқ, шафтоли, бодом, олхўри, олма, гилос ва бошқа меваги дарахтларнинг пайвандтағлари ва кўчатларини шартнома асосида таклиф этамиз.

Замонавий илм-фан ютуқлари ва инновацион технологиялар асосида клонланган кўчатларимиз турли касалликлардан холи бўлиб, тезда ҳосилга кириши билан анъанавий усулда етиштирилган бошқа кўчатлардан ажралиб туради. “In Vitro” лабораториямиз иссиқхонасида бир вақтнинг ўзида 2,5 миллион дон пайвандтағлар ва 600 минг дон кўчатлар тайёрлаб бериш имкониятимиз мавжуд.

Янгидан боғ барпо қилиш истаги бўлган ташаббускорлар ва боғдорчиликка ихтисослашган деҳқон-фермер хўжаликлари, кластерлар ҳамда бошқа ташкилотларни ҳамкорликка чорлаймиз. Мақсадимиз сизларга сифатли, ҳосилдор ва истиқболли меваги дарахтларнинг кўчатларини тайёрлаб бериш ва натижада сизнинг интенсив боғингиздан юқори ҳосилдорликка эришишингиздир. Шунингдек, биз сизларга ушбу кўчатларнинг парвариши, агротехник тадбирлари юзасидан зарур тавсияларни бериб борамиз.

Манзилимиз:

Жомбой тумани Қорақишлоқ маҳалласи.
Мўлжал: Тошкент-Самарқанд автомобиль йўли, “Жомбойдон маҳсулотлари” АЖ рўпарасида.

Мурожаат учун телефонлар:

97-910-81-47, 91-551-77-67.

Маҳсулотлар сертификатланган.

«САМАРҚАНД ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ»

акциядорлик жамияти жамоаси

севимли байрам –

Наврўз

билан ҳамюртларимизни
қутлайди.



Маҳсулотлар сертификатланган.

«REGIONALGEOLOGIYA»

давлат унитар корхонаси касаба уюшма қўмитаси



азиз

юртдошларимизни

Наврўз айёми

билан муборакбод этади.

Наврўз айёми
Ушбу фараҳбахш
кунларда
барчангизга
олам-олам қувонч,
оилавий бахт ва
мустаҳкам соғлиқ
тилаймиз!



«ЖОМБОЙ ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ»

акциядорлик жамияти жамоаси

ВИЛОЯТИМИЗ АҲЛИНИ

Наврўзи одам

билан табриклайди.



Юртимиз осмони доимо мусаффо бўлсин,
бошланаётган деҳқончилик мавсуми омадли
келиб, хирмонларимиз донга тўлсин.

Маҳсулотлар сертифициланган.



Asakabank

акциядорлик жамияти
вилоят филиали жамоаси

самарқандликлар ва
шаҳримиз меҳмонларини
гўзал баҳор айёми –

НАВРЎЗ

билан қутлайди.



СИЗЛАРГА БАҲОРИЙ
КАЙФИЯТ, МЕҲР-МУҲАББАТ,
БАҒРИКЕНГЛИК КАБИ
ФАЗИЛАТЛАР ҲАМРОҲ
БЎЛИШНИ ТИЛАЙМИЗ!

Хизматлар лицензияланган.



УРГУТ ТУМАНИ ЙЎЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни

Наврўз байрами

билан муборакбод этади.



БАҲОР
БАЙРАМИ
КЎНГИЛЛАРГА
РЎШНОЛИК
ОЛИБ КЕЛСИН!

Zarafshon

САМАРҚАНДСКИЙ
ВЕСТНИК

MUASSIS:

«Zarafshon» va
«Самарқандский
вестник»
gazetalari tahririyati
mas'uliyati
cheklangan
jamiyati

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot
agentligining Samarqand viloyat matbuot va
axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda
09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan.
Nashr 100. Indeks 438.
18 674 nusxada chop etildi. Buyurtma 213

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.



Hajmi 4 bosma taboq, bichimi A-2

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56
BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy,
Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.
«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Korxonalar manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.
Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir:

G'.HASANOV.

Navbatchi:

Y.MARQAYEV.

Sahifalovchi:
B.ABDULLAYEV.
Sotuvda narxi kelishilgan holda

ISSN-201667X



9177201016670091

Газетанинг навбатдаги сони 2021 йил 25 март, пайшанба куні чиқади.